311298

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 12 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 94 (7090)

Da'vat

Одамлар учун ҳақиқий хазина меҳнат қила билишдир.

ЭЗОП

Ibrat

Америка давлатининг Биография институти асрнинг махсус олтин медалига, яъни 2000 йиллик фахрий медалига ўзбек механика олими, ЎзРФА ҳақиқий аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Турсунбой Рашидовни лойиқ деб топди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

1. Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, 1999 йил – Аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Республика комиссияси тузилсин.

2. Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан бирга бир ой муддатда мазкур Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин. Дастурни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинсин ва дастур лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Тадбирлар дастурида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилсин:

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

—оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— оилада, қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш;

— иқтисодий ўзгартиришлар ва ислоҳотларда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш;

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари бошқаруви, жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари, корхоналарни бошқариш тузилмаларида, ноҳукумат ташкилотларида, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларда хотин-қизлар ролини ошириш;

— гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларда ва жамиятни ривожлантиришда аёлларнинг ролини ошириш.

4. Давлат, нодавлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув тузилмалари юқорида айтиб ўтилган дастурни тайёрлашда Республика комиссиясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида мамлакат мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан алоҳида хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган юртдошларимизга, Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари тантанали равишда топширилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински шу йилнинг 17-18 декабрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

• Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида она ва бола саломатлиги муаммосига бағишланган «Фарзанд кўриш ёшидаги аёлларда учрайдиган асаб касалликлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

• Белорусия Президенти Александр Лукашенко ўз фармонлари билан Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар ва МДҲ ишлари бўйича вазирликларини бирлаштириб, ташқи ишлар бўйича ёрдамчиси Ўрол Латиповни ташқи ишлар вазири этиб тайинлади.

• Туркманистон ва Украина Президентлари туркман газини экспорт қилиш бўйича музокараларни давом эттириш ҳақида келишиб олишди.

• Туркия парламенти мамлакатнинг собиқ бош вазири Тансу Чиллер ва Бош вазир Месут Йилмазнинг молиявий фаолиятини текширишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди.

МАҲОРАТЛИ МУАЛЛИМА

Наманган вилояти Уйчи туманидаги 36-ўрта мактабда ҳам келажагимиз эгаларини мустақил мамлакатимизнинг етук кадрлари этиб тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган педагоглар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулардан бири фидойи инсон, ўқувчиларнинг яқин маслаҳатчиси, болажон тарбиячи Раънохон Иминовадир.

Раънохон Чуст шаҳридаги педагогика билим юртини тугатгач унга илк бор 1-синф берилганда қувонганини кўрганингизда эди. Ўзининг ишчанлиги, ташкилотчилиги билан қисқа вақт ичидаёқ муаллимлар ва ўқувчилар жамоаси ўртасида тезда танилиб, улар ишончига сазовор бўлди. Орада ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Наманган Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетини битириб олди. Мана, 13 йилдирки, мактабда ўзининг бутун билими ва маҳоратини ёш авлодга пухта билим бериш учун сарфлаб келаётир.

Болаларга пухта билим бериш, уларнинг саводхонлигини ошириш, илмий-маънавий дунёқарашини шакллантириш каби фазилатлар Раънохон ҳаётининг мазмунидир. У дарслик билан кифояланиб қолмай, мавзуни ўқувчиларга кенгроқ тушунтириб беради. Ҳар бир машғулотни кўргазмали қурол ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтади. Ўзи мингдан ортиқ кўргазмали қуроллар тайёрлаган. Яхшиликка бошловчи эртакларни образга киириб айтиб беради. Гуруҳ машғулотлари ҳам қизиқарли бўлади. Уларда эстетик, меҳнат тарбияси, меҳмон кутиш одоби ва бошқа мавзулар тушунтирилади. Саёҳат ва экскурсиялардан олинган бой таассуротлар бўйича ўқувчилар ўз фикрларини ёзадилар. Мусиқа кунида эса болалар ёшига мос куй ва қўшиқлар ўргатилади.

Раънохон синфдан ташқари ишларга ҳам алоҳида аҳамият беради. Ўқувчилар билан тез-тез турли кеча, мушоира, суҳбат ва учрашувлар ўтказади. Саналарга бағишлаб кичик концерт дастури тайёрланади.

Хуллас, жонкуяр муаллима ўзининг ҳалол ва самарали меҳнатлари билан мактаб жамоаси ва ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонмоқда.

Муҳамаджон ҚОДИРОВ

Суратда: муаллима Раънохон Иминова ўқувчиси Ҳалимахон Бойхонова билан якка тартибда иш олиб бораяпти.

Аҳмадали ЮСУФБОЕВ олган сурат

Ўқитувчи ён дафтарига

АСЛИГА ҚАЙТИШ

Мусиқашунослар юрак уришини энг ибтидоий мусиқа деб ҳисоблашади. Буни қарангки, Японияннинг Дзифу шаҳридаги радиостанция кеча-кундуз тинимсиз мана шу «ибтидоий мусиқа»ни эфирга узатар экан. Ҳозирда тобора кўпайиб бораётган мазкур дастур тингловчиларининг таъкидлашларича, «мусиқа»нинг бу тури юрак урушини маромга солиб, кишига ижобий таъсир этади ва руҳни тетиклаштиради.

ОТА-ОНАДАН СЎНГ ЎҚИТУВЧИ

Яқинда Буюк Британия ўсмирлари ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ҳаётида ким муҳим ўрин тутиши аниқланди. Маълум бўлишича, болалар аввало ота-оналарини, сўнгра ўқитувчиларини ўзларига яқин билишаркан. Шунингдек, тадқиқотлар якуни руҳонийлар, полициячилар ва ҳатто қироллик оиласи ҳам болалар ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди.

АРХИВДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Франциянинг Страсбург шаҳрида янги, ўзига хос архив ташкил қилинди. Архивнинг ўзига хослиги шундаки, унда шу кунгача аниқланган юлдузлар тўғрисидаги барча маълумотлар сақланади. Архив маъмурияти ҳозирнинг ўзида 1 миллион 100 мингта юлдуз ҳақида маълумотлар тўплаб улгуришди.

ЁДГОРЛИКЛАР ШАҲРИ

Мутахассислар турли-туман ёдгорликлар энг кўп қурилган шаҳар сифатида Голландиянинг Амстердам шаҳрини эътироф этишмоқда. XIII асрда асос солинган, улкан музейни эслатувчи бу шаҳарда олти мингта ёдгорлик қурилишлари рўйхатга олинган.

Кўзгуда Тошкент вилояти 2-бет

Қиш эшикдан мўралади 3-бет

Биринчи босқич: мактабга илк қадам 5-бет

Ватан довруғини ёяётганлар 6-бет

Munosabat

АЁЛГА МУҲАББАТ — ВАТАНГА МУҲАББАТ

Куни кеча юртимиз бўйлаб бир ажиб тантаналар саси кезиб юрди. Тантанаки, халқимизнинг қалбига сингган, шуурига айланган. Бу — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни эди.

Хўш, бугунги тантаналарнинг аввалгиларидан фарқи нимада? Мен бунинг кўп жиҳатини илғадим.

Шундан иккитасини алоҳида таъкидламоқчи эдим.

Боғчадан югуриб кириб келган беш яшар қизчам завқ-шавқ билан менга деди:

— Дада, эртага байрам экан!

— Қанақа байрам?

— Конституция куни.

— Қандай байрам экан, бу?

— Яхши байрам. Эртага бизни байрамга олиб чиқасиз-а?!

Қизимнинг завқи менга ҳам кўчди. Балки у Конституциянинг моҳиятини тўлалигича тушунмас? Бироқ, «яхши байрам» эканлиги унинг мурғак қалбида муҳр топган. Бинобарин, эртага бу муҳр унинг Конституцияни тўлалигича тушуниб олишига шаҳодат бўлиши тайин.

Иккинчи ўзига хос жиҳат нимада? Ишончда!

Конституциямизга, қонунларимизга бўлган ишонч, эътиқодда. Бу ишонч жилвалари тантана кунлари халқимизнинг юзида ўз тажаллийсини топди. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши» ана шу ишонч манбаидир.

Таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов шундай ёзади: «Бу гал мен Президентни бутунлай бошқа кайфият, ўзгача қиёфада кўрдим. Йўлбошчимиз энди ўзи бошқараётган ишнинг маълум бир манзилга етганини, илгари режалаштириб олган мушкул вазифаларнинг маълум бир ечимга келаётганини кўриб турибди. Бинобарин, ўз ишига катта ишонч ҳосил қилиб, дадил турган қиёфада кўринди у».

Конституциямизнинг олти йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанада Президент Ислом Каримов келгуси йил — Аёллар йили деб эълон қилди.

— 1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, — дея таъкидлади Президент, — аввало, оналаримиз, опасингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилишимиз керак.

Мен телевизор орқали юртбошимизнинг ушбу сўзларини тинглар эканман, унинг салоҳиятига яна бир бор тан бердим. Зеро, шарқда Аёл ва Ватан бир хил маснаддаги унсурлардир. Ҳазрат Навоий шундай ёзадилар:

Йёлу Ватан ичра то жони бор,
Киши ҳарб этарким то имкони бор.

Ушбу мисраларда ҳам Аёл ва Ватаннинг уйғунлиги кўриниб турибди. Бинобарин, Аёлга ҳурмат, Аёлга эътиқод Ватанга муҳаббат тимсолидир.

Муҳаббатдан комиллик, такомил рўёбга чиқади. 1999 йил – Аёллар йили бўлади. Демакки, Ватанимиз тараққиётнинг яна бир поғонасига кўтарилади. Бунга ўша шарқона уйғунлик гувоҳ. Зеро, Шарқ ҳамиша билгучидир.

Асқар ШОКИР

УМИДЛИ ПАРВОЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президентимизнинг иқтидорли ёшларни чет элларда ўқишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999-2000 ўқув йилида чет элга ўқишга юбориладиган иқтидорли ёшларни танлаб олиш жараёнини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълими вазири С. Ғуломов, «Умид» жамғармаси директори муовини Б. Убайдуллаев, Американинг АКСЕЛС ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раисаси Мишел Жерар хоним, республикамиз олийгоҳлари проректорлари ва фаол талабалари қатнашдилар.

Маълумки, ўз кўлами бўйича мудаги муваффақиятлари хусусида келган хатлардан ҳам билса бўлади.

Шуни айтиш керакки, ҳаёт тинимсиз ҳаракат, тараққиёт демакдир. У билан ҳамоҳангликда жамики мавжудот, нарса-ҳодисалар жараёнлар такомиллашиб бораверади. Жамғарманинг бу йилги танлов жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Чет эллик ҳамкорлар билан ишлашнинг икки йиллик натижалари, тажрибасидан келиб чиқиб, бу йилги танлов аввалгилардан бутунлай фарқ қилади. Агар дастлабки йилларда аксарият талабалар таълимнинг бакалавр шакли бўйича таҳсил олиш учун хориж-га жўнатилган бўлса, бу йил Президентимиз томонидан бериладиган 300 грантнинг 240 таси магистратура босқичи учун ажратилди. Бу албатта, ҳам иқтисодий тарафдан ҳам илмий самарадорлик жиҳатдан фойдалироқдир. Авваллари олийгоҳларимизнинг 2-курс талабаларини 4 йилга бакалавр даражасини олиш учун жўнатишга тўғри келган эди. Эндиликда магистратура учун юбориладиган талабалар олийгоҳларимизни битираётган ёки битирган, Республикамиз олий таълим тизимидан яхши хабардор бўлган, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган, ҳам илмий, ҳам амалий тажрибаси бор, шунингдек, илмий ишлар қилиш салоҳиятига эга бўлган талабалар бўлади.

(Давоми 2-бетда)

Anjuman

МИЛЛИЙ ДАСТУР ТАЛАБЛАРИ – БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўнлаб меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимни яратиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-қарорида ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Албатта, бу борада жойларда илғор жамоаларнинг тажрибалари бор, лекин улар бир тизимга келтирилиб, мувофиқлаштирилмаган. Эндиликда уларнинг ягона тизимини яратиш лозим.

Шу боис юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорликда рейтинг тизимини жорий этиш масалаларига бағишланган Республика амалий семинар-кенгашини ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Куни кеча амалий семинар-кенгаш ўз ишини бошлади. Шу куни барча вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳар таълим муассасаларида рейтинг тизимини жорий этиш борасидаги тажрибалар билан танишдилар, танишув сўнгида мутахассисларнинг таассуротлари тингланди.

Кеча амалий семинар-кенгашнинг очилиш маросими бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Вазир янги ягона тизимнинг моҳияти хусусида атрофлича сўзлаб, мамлакатимиз умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида синовдан ўтаётган рейтинг моделларининг дастлабки натижалари таҳлили ҳамда ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишнинг ягона рейтинг тизимини республика ҳудудида жорий этиш бўйича аниқ тавсиялар бериш хусусида фикр юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиевга сўз берилади. У Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим жараёнига рейтинг тизимини жорий этиш истиқболлари ҳамда иккала ҳужжатдан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида батафсил гапирди.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи А. Зиёмуҳамедов баҳолашнинг Тошкент тажрибаси ҳақида маъруза қилди. Мунозараларда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов, Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактаб директори Валентина Ломухина, Чортоқ туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Муҳаммаджон Маматвалиев, Собир Раҳимов туманидаги 309-лицей илмий бўлим мудири Асомиддин Ҳасанов, Қибрай тумани ХТБ мудири муовини Абдували Ҳожи Тўхтаев, профессор Борис Фарберман, физика-математика фанлари номзоди Асқар Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқишди. Улар рейтинг тизими мақсади, қулай томонлари ва афзалликлари, уни жорий этишдаги айрим муаммолар, ўқитувчилар орасида юзага келган баъзи тушунмовчиликлар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этдилар. Хуллас, анжуман ўз ишини давом эттирмоқда, унда яна еттита вилоят тажрибалари ҳам ўрганилади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

БАЙРАМ ХАБАРЛАРИ

Ўтган ҳафтада ҳаётимизнинг асосий Қонуни Конституциямиз қабул қилинган кун бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари Университетида ҳам бўлиб ўтди. Анжуман бутун моҳиятига кўра ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда унинг аҳамиятига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан ўқитувчилар Дилором Ғозиева, Саттор Облоқуловлар қомусимизнинг қонун устивор бўлган мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни, ҳуқуқий онг масалалари хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Байрамона руҳда ўтган кечага Дониёр Зокиров, Улуғбек Нурмуҳамедов ва Раъно Ҳотамова каби талантли талабалар ўз чиқишлари билан кечага ўзгача шукуҳ бахш этдилар.

* * *

Тошкент шаҳар ўрта-махсус касб-хунар таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан Тошкент автомобил ва йўллар институтида ҳам Конституция кунига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги Мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг «Келажак юлдузлари» гуруҳи билан Геодезия ва картография техникумининг «Замин» гуруҳлари ўзаро беллашдилар. «Истиқлол ва ёшлар», «Конституция-ҳаётимиз бош қомуси» каби мавзулар бўйича беллашувлар айниқса қизғин кечди. Ёшларда шаклланиб бораётган ҳуқуқий маданият, билим ва кўникмалар, тафаккурига истиқлол ғояларининг сингиб бораётганлиги уларнинг ҳар бир чиқишларида намоён бўлиб турди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, «Келажак юлдузлари» гуруҳи бош совринга эга бўлсада, бугунги ёшлар онгидаги ўзгариш, қалбидаги иштиёқ ва ҳур фикрлилик ғолиб бўлди, дейиш мумкин.

* * *

Й.Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Ёшлар, оила ва ҳуқуқ» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда институтнинг 4 факультети: Пахта технологияси ва механика куллиётининг «Оқ олтин» гуруҳи, Механика технологиясининг «Турон юлдузлари», Енгил саноат технологиясининг «Дизайнер», Муҳандис ихтисосчи ва кимё технологиясининг «Зиё» гуруҳлари иштирок этдилар. Талабалар ўзаро «Оила—ватан таянчи» ва «Талабалар созида ватан мадҳи» каби шартлар асосида беллашдилар. Ҳар бир чиқишда ўзининг чаққонлиги ва билимдонлиги билан ажралиб турган «Зиё» гуруҳи биринчи, «Дизайнер» гуруҳи иккинчи, «Турон юлдузлари» гуруҳи учинчи ўринни олишга муяссар бўлдилар. Танловни ўтказишда институт қошидаги «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси ўринбосари Шомаҳмуд Бобоев ҳамда Енгил саноат факультети талабаси Шерали Аллаберганов ларнинг хизматлари катта бўлди. Кўрик сўнгида институт ректори Ҳалима Алимова талабаларни байрам билан табриклаб, гуруҳларга эсдалик совғалари топширди.

Гулноза Нишонбоева
Фотима ЖУМАЕВА

Yil o'gituvchisi – 98

МАҲОРАТ НАМОЙИШИГА МАРҲАМАТ

«Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови муаллимларнинг иқтисодий иқтидорини баҳолайдиган, дарс усуллари ва тажрибалари даражасини аниқлайдиган анъанавий тадбирга айланиб бормоқда. Тўғри, баъзи сабабларга кўра танловга эътиборсизлик қилинди. Хайриятки, мана, хайрли иш яна тикланди. Энди у замон руҳи билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бунда илғор ўқитувчиларнинг ноанъанавий дарси, ижодкорлиги, компьютер саводхонлиги, бирор чет тилини билиши, ўқувчилар билан ишлаш маҳорати тестга ўта зийраклик билан ёндашиши ана шу асосда баҳоланади. Демак, танловда янги технология, янгилик ва ўзгаришлардан воқиф бўламиз. Шу билан бирга айрича йўналишлар кашф қилинади.

Ҳар бир ўқитувчининг бу борадаги меҳнат адолат тарозуси билан ўлчаниши лозим. Билимдон ўқитувчига тан бериш, кутилмаган вазиятдан чиқа билса, холис баҳосини қўйиш ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан катта масъулият талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ташкилий қўмита йиғилишида ана шулар ҳақида гапирар экан, «Наврўз» мажмуасида «Нафосат» кечасини уюшқоқлик билан ўтказиш, танлов иштирокчиларини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, улар учун дарс муҳитини яратиш, умуман кўрик-танловга байрам тусини бериш каби масалаларга ҳам тўхталди. Шунингдек, ушбу йиғилишда кўрик-танловинг ташкилий жиҳатлари муҳокама этилиб, масъул кишилар ахборотлари ҳам тингланди.

Умуман олганда, 14-17-декабрь кунлари бўлиб ўтадиган мазкур кўрик-танлов маҳорат, ижодкорлик байрамига айланиши шубҳасиз. Буни йиғилиш иштирокчиларининг ишчанлик кайфиятидан, воқеликка муносабат билдиришларидан ҳам билиш мумкин эди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

УМИДЛИ ПАРВОЗЛАР

(Боши 1-бетда)

Шундай экан чет эл олийгоҳларида бакалавр даражасини олиш учун талабаларимизни 4 йил ўқитгандан кўра, 2 йилда магистр унвонига эга бўладиган етук мутахассисларни тайёрлаш фойдалироқдир.

Бу йилги танловларнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, бундан буён чет элларда ўқиш истагида бўлган даъвогарларнинг таҳсил олаётган ёки олган мутахассисликлари «Умид» жамғармаси таклиф этаётган мутахассисликларга тўла мос тушмоғи лозим. Бу йил ортиқча ҳаражатнинг олди олинадиган бўлди.

Мажлисда сўзга чиққан Олий ва ўрта таълим вазири танлов аҳамияти ҳақида гапирар экан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошидан кечираётган ватанимиз учун халқ хўжалиги, саноат, савдо ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида етакчилик қила оладиган, мамлакатимизни ўтиш давридан муваффақиятли чиқиб олишида ва дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айланишида ўзининг муносиб ҳиссаларини қўша оладиган замонамизнинг энг илғор тажрибаларидан хабардор бўлган ёш малакали миллий муттахасислар тайёрлашнинг нақадар муҳим эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек йиғилишда Ботир Убайдуллаев, Мишель Жирар хонимлар маъруза қилдилар ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
ТошДУ V-курс талабаси

ЭЪТИБОР

Анча йиллардан буён Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси ўз ўқув-тажриба машғулотларини Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ерларида ўтказиб келади. Айни кунларда эса, туманда «ТошДАУ деҳқон-фермер ўқув ширкатлар уюшмаси» фаолият кўрсатмоқда. Ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги 23-умумтаълим мактабида бугун 600 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда. Ушбу мактабни университет ўз оталиғига олиб, бу ерда ёшларнинг замон талаби даражасида таълим олишлари учун керакли ёрдамни аямаяпти.

Яқинда университет жамоаси томонидан мактабга яна бир ҳиммат кўрсатилди. Олий маскан мактаб учун 7 та ДВК – 3 компьютери, 16 та лингафон хонаси анжомлари, 3 та ёзув машинкаси, 3 та шкаф ва 36 та юмшоқ стул туҳфа этди. Келгуси йилдан академик лицейга айлантирилиши кўзда тутилаётган мазкур мактаб раҳбари Соня Яфарованинг таъкидлашича, университетнинг бу эътибори болаларга пухта билим бериш йўлида кўрсатилган эзгу ҳимматдир.

Акром ҲАЙДАРОВ

Huquqiy bilimlarni o'rganamiz

«АДОЛАТ» ТЎГАРАГИНИНГ ИБРАТЛИ ЮМУШЛАРИ

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 2-ўрта мактаб жамоаси мана бир неча йиллардан буён таълим-тарбия борасидаги қатор ижодий ишлари билан туман мактаблари орасида ибрат бўлиб келаётир. Мактабда ёшларга ҳуқуқий таълим бериш соҳасида ҳам илғор усуллар қўлланилмоқда. Мухбиримиз ушбу мактабда бўлиб, мактаб директори Берди Бозоров билан худди ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Ўқувчиларга ҳуқуқий бериш борасидаги олиб бораётган ишларингиз нимаси билан эътиборга молик?

— Туманимиздаги, вилоятимиздаги кўплаб мактабларда бўлиб, у жойларда амалга оширилаётган ишларни кузатганман. Жумладан, ҳуқуқий таълим соҳасидаги ишларни ҳам. Бизда юртимиз қомусини ўрганиш тадбирлар асосида йўлга қўйилган. Туман ички ишлар бўлими ва туман прокуратураси ходимлари билан доимий равишда ўтказиладиган давра суҳбатларимиз, йиғилиш ва тадбирларимиз режалаштириб олинган. Мактабимизда ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар асосларини сингдириб борувчи «Адолат» тўгараги ташкил этилган.

Ўқитувчи Назира Тошева раҳбарлик қилаётган ушбу тўгарак машғулотларига нафақат ўқувчилар, балки кўп сонли отаоналар ҳам иштирок этадилар. Мактабимизда ҳуқуқий таълим хонасини ташкил эқганмиз, залларда шу соҳага оид бурчаклар ташкил этганмиз.

Шу билан бирга «Савол беринг, жавоб берамиз» усулида давра суҳбатларини ҳам йўлга қўйганмиз.

— «Адолат» тўгарагининг аъзоларига қандай қўшимча топшириқлар юклатилган. Улар мактабда қандай ишларни амалга оширишади?

— Биласизми, улар ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб этишади. Ўз тўгаракларининг деворий газеталарини чиқаришади. Улар қуйи синф ўқувчилари орасида давлатимиз рамзлари ҳақида суҳбатлар ўтказишади. Мактабимизда ҳар ҳафтанинг душанба куни юртимиз байроғи кўтарилади, Ўзбекистон мадҳияси куйланади. Ҳафтанинг шанба кунида юртимиз байроғи туширилади. Ана шу тадбирларни ўтказиш ишида ҳам «Адолат» тўгараги аъзолари барча асосий ташкилотчилик ишларини ўз зиммаларига олишган. Хуллас, улар жамоага, раҳбариятга катта амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Абдували ОБИДДИН
суҳбатлашди.

DTM tahlili

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоятидан тест синовларида қатнашган абитуриентлар жавобларининг барча фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлилларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1998 йили вилоят ўрта мактабларининг битирувчи синфларида 15906 ўқувчи таълим олган бўлиб, булардан 7175 ўқувчи олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига кириш истагини билдирганлар. Бу 1997 йилга нисбатан жорий йилда ўқув истагини билдирганлар сонини 31% ошганлигини кўрсатади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг тест натижаларини республика вилоятлари жавоблар самарадорлиги билан таққослайдиган бўлсак, Тошкент вилояти фанлар бўйича қуйидаги ўриндадир:

	1998 йилдаги ўрни	1997 йилдаги ўрни
она тили ва адабиёт	10	12
математика	4	8
физика	9	7
биология	12	11
кимё	12	8
тарих	9	12
география	6	11
инглиз тили	5	5
немис тили	6	6
француз тили	5	4

Демак, Тошкент вилояти жавоблар самарадорлиги бўйича илғор ҳудудлардан орқада қолмоқда.

Вилоят шаҳар ва туманлари бўйича жавоблар самарадорлигига эътибор берилса, унда Пискент шаҳри, ўзбек тили ва адабиёти, математика, немис тили фанлари бўйича; Келес шаҳри, кимё ва инглиз тили фанлари бўйича; Оққўрғон шаҳри биология фани бўйича; Тошкент тумани география фани бўйича; Зафар шаҳри тарих фани бўйича юқори самарадорликка эришганлар.

Ғазалкент шаҳри она тили ва адабиёти фани бўйича; Келес шаҳри, математика фани бўйича; Янгиобод шаҳри, физика, кимё, тарих, инглиз тили, география фанлари бўйича; Қуйи Чирчиқ тумани ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, кимё фанлари бўйича энг паст кўрсаткичларга эришганлар.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари сабабини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрадилар деб умид қиламиз.

Тошкент вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %
1	Қибрай тумани	510	40,55	291	34,21	0	0,00	105	40,93	18	29,17	95	44,47
2	Оҳангарон тумани	337	37,86	219	29,40	0	0,00	102	40,09	9	20,37	7	50,40
3	Бекобод тумани	492	38,54	270	25,34	0	0,00	189	38,05	1	8,33	29	52,39
4	Пскент тумани	337	42,66	179	27,67	0	0,00	89	48,28	29	21,84	41	57,72
5	Янгийўл тумани	461	40,35	206	29,92	0	0,00	145	37,80	19	32,60	89	46,10
6	Бўстонлиқ тумани	267	35,63	179	33,30	0	0,00	32	28,91	17	26,47	39	52,07
7	Бўка тумани	327	43,49	230	31,92	0	0,00	77	45,60	1	27,78	16	51,74
8	Оққўрғон тумани	341	44,03	182	29,12	0	0,00	106	39,10	4	44,44	47	49,82
9	Паркент тумани	359	42,36	214	31,30	0	0,00	98	43,11	8	29,51	39	43,45
10	Тошкент тумани	275	44,80	89	30,81	0	0,00	94	48,05	3	53,70	88	38,23
11	Чирчиқ шаҳри	281	42,79	53	35,74	0	0,00	210	44,76	4	38,19	12	43,98
12	Қибрай шаҳри	3	28,70	3	24,07	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
13	Оҳангарон шаҳри	107	37,31	92	26,93	0	0,00	6	44,91	0	0,00	8	51,39
14	Ангрен шаҳри	433	37,70	290	31,39	0	0,00	132	37,65	4	22,92	4	61,11
15	Янгиобод шаҳри	10	43,61	2	44,44	0	0,00	8	36,11	0	0,00	0	0,00
16	Бекобод шаҳри	179	36,14	110	27,37	0	0,00	56	31,40	3	18,52	9	62,65
17	Олмалиқ шаҳри	209	36,78	135	26,98	0	0,00	14	47,62	44	20,14	16	53,65
18	Пскент шаҳри	22	44,44	13	27,99	0	0,00	2	29,17	0	0,00	7	65,48
19	Янгийўл шаҳри	100	35,69	47	28,31	0	0,00	17	38,89	11	22,22	25	42,56
20	Ғазалкент шаҳри	12	29,86	12	29,40	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
21	Бўка шаҳри	14	47,42	3	37,04	0	0,00	11	30,30	0	0,00	0	0,00
22	Оққўрғон шаҳри	8	46,88	7	28,57	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
23	Паркент шаҳри	34	40,52	28	29,56	0	0,00	4	29,86	0	0,00	2	44,44
24	Келес шаҳри	12	37,27	5	45,56	0	0,00	3	39,81	0	0,00	4	43,06
25	Чиноз шаҳри	24	37,04	15	27,22	0	0,00	4	43,06	2	40,28	3	49,07
26	Тўйтепа шаҳри	13	48,72	5	25,00	0	0,00	6	56,94	0	0,00	2	34,72

Тошкент вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %	География Абит. сони	География Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Инглиз тили Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Немис тили Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Француз тили Самарадорлик %
1	Қибрай тумани	780	36,06	388	46,13	214	30,23	218	44,32	213	33,37	187	50,27	6	37,04	239	54,38	46	25,42	5	37,78
2	Оҳангарон тумани	195	38,65	110	37,37	64	29,21	33	51,68	24	40,86	65	52,65	10	39,17	50	40,17	8	23,61	7	34,52
3	Бекобод тумани	365	42,26	150	40,61	79	31,50	75	51,11	81	40,50	146	58,37	7	45,63	144	40,88	17	24,02	17	30,07
4	Пскент тумани	243	40,82	124	45,25	70	30,08	44	51,77	42	38,10	82	52,81	4	50,00	60	42,92	31	33,60	11	28,79
5	Янгийўл тумани	370	35,75	186	39,86	125	33,67	58	45,21	47	36,70	137	45,92	8	33,33	111	48,42	26	33,44	8	36,11
6	Бўстонлиқ тумани	250	33,88	156	40,81	90	29,26	43	41,86	35	30,16	56	47,57	9	33,02	54	39,81	24	31,13	14	39,88
7	Бўка тумани	259	37,88	132	39,08	60	31,76	52	41,45	45	31,42	87	53,61	10	46,94	84	41,40	21	32,41	11	29,55
8	Оққўрғон тумани	237	39,51	93	44,30	47	32,21	76	52,19	63	40,52	79	56,54	7	45,63	52	42,52	27	33,95	15	34,81
9	Паркент тумани	370	35,50	205	42,90	126	32,05	105	41,43	99	33,89	77	39,97	7	43,25	65	41,32	23	30,07	12	31,25
10	Тошкент тумани	410	36,84	215	45,19	120	34,70	80	50,07	74	38,63	127	48,23	6	56,02	131	46,88	14	24,01	3	25,00
11	Чиноз тумани	252	35,02	147	42,23	95	31,46	43	49,68	44	36,99	67	49,05	1	50,00	82	43,70	12	28,70	1	25,00
12	Ўрта Чирчиқ тумани	396	38,23	207	46,05	139	37,79	97	46,51	77	39,47	98	52,15	7	44,84	41	44,17	75	32,41	16	39,93
13	Қуйи Чирчиқ тумани	178	33,60	96	33,65	58	27,01	40	36,81	30	31,57	48	45,95	7	45,24	30	47,96	20	30,14	7	34,13
14	Зангиота тумани	432	36,73	230	46,33	128	35,31	83	48,43	64	39,58	135	52,02	6	35,19	157	53,04	13	22,86	4	29,17
15	Юқори Чирчиқ тумани	198	33,71	105	46,27	73	37,75	59	41,43	45	40,80	41	44,31	2	41,67	42	50,07	5	17,22	3	33,33
16	Чирчиқ шаҳри	148	34,78	84	39,85	48	28,94	27	40,84	28	29,96	40	48,33	0	0,00	55	48,64	6	29,63	2	30,56
17	Қибрай шаҳри	16	32,29	8	36,46	4	20,14	2	61,11	2	36,11	6	37,04	0	0,00	6	35,19	0	0,00	0	0,00
18	Оҳангарон шаҳри	41	38,89	21	43,92	7	27,38	4	43,75	2	36,11	18	49,23	0	0,00	23	45,53	3	25,00	0	0,00
19	Ангрен шаҳри	415	39,42	161	41,01	84	29,83	92	42,78	53	40,36	176	50,32	23	43,48	153	43,97	25	20,44	0	0,00
20	Янгиобод шаҳри	13	35,04	6	20,37	2	16,67	4	38,19	5	25,56	4	29,17	2	27,78	3	36,11	0	0,00	0	0,00
21	Бекобод шаҳри	153	40,47	87	41,63	44	29,61	21	47,62	41	36,59	46	62,38	0	0,00	54	47,79	6	32,87	0	0,00
22	Зафар шаҳри	3	53,70	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	3	76,85	0	0,00	3	46,30	0	0,00	0	0,00
23	Олмалиқ шаҳри	92	38,53	50	41,39	28	32,64	18	46,45	22	40,78	26	52,78	0	0,00	25	51,78	10	36,67	2	30,56
24	Пскент шаҳри	21	44,97	11	56,31	9	34,57	3	58,33	3	32,41	7	57,54	0	0,00	6	37,96	3	48,15	0	0,00
25	Янгийўл шаҳри	80	35,87	44	42,80	28	30,16	8	38,19	10	22,78	28	46,53	0	0,00	32	49,83	3	29,63	2	29,17
26	Ғазалкент шаҳри	18	26,08	15	35,56	8	26,74	0	0,00	2	36,11	3	35,19	0	0,00	6	38,43	0	0,00	0	0,00
27	Бўка шаҳри	21	41,80	7	34,13	2	18,06	4	45,83	3	46,30	11	56,57	0	0,00	8	50,69	3	31,48	0	0,00
28	Паркент шаҳри	32	37,59	22	46,09	13	26,28	6	30,56	4	36,11	6	41,20	0	0,00	3	31,48	3	31,48	0	0,00
29	Келес шаҳри	22	34,34	13	29,70	6	30,56	3	39,81	2	59,72	9	34,57	0	0,00	5	56,11	0	0,00	0	0,00
30	Чиноз шаҳри	9	37,65	6	41,20	4	39,58	0	0,00	0	0,00	3	41,67	0	0,00	3	50,93	0	0,00	0	0,00
31	Тўйтепа шаҳри	25	35,00	13	52,99	9	35,49	6	52,78	3	52,78	6	37,04	0	0,00	3	50,93	4	32,64	0	0,00

Тошкент вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Математика Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Физика Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Биология Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Кимё Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Тарих Самарадорлик %	География Абит. сони	География Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Инглиз тили Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Немис тили Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Француз тили Самарадорлик %
1	Қибрай тумани	288	40,69	175	41,63	78	36,15	50	37,83	40	25,90	92	48,07	4	40,28	88	39,87	37	21,62	7	22,22
2	Оҳангарон тумани	52	40,65	14	28,37	4	25,69	3	45,37	2	29,17	44	37,50	0	0,00	23	28,50	14	20,83	1	22,22
3	Бекобод тумани	59	48,16	35	42,22	17	29,25	4	75,69	4	55,56	25	61,78	2	84,72	27	34,98	4	33,33	0	0,00
4	Пскент тумани	62	49,87	44	46,02	19	34,94	4	52,78	3	27,78	25	46,78	2	56,94	15	39,81	10	28,61	2	19,44
5	Янгийўл тумани	115	38,74	65	35,68	38	28,65	17	40,52	16	26,04	46	48,01	4	36,11	28	32,94	12	22,22	2	23,61
6	Бўстонлиқ тумани	69	41,18	47	41,84	22	27,40	8	44,44	7	35,71	20	43,33	5	40,56	14	46,43	8	23,61	4	29,86
7	Бўка тумани	66	50,25	35	41,43	12	46,06	4	27,78	4	25,00	35	57,06	2	26,39	25	36,44	12	21,30	3	20,37
8	Оққўрғон тумани	75	46,30	32	44,70	9	34,26	13	40,60	10	30,28	35	50,63	2	38,89	29	37,26	14	26,79	6	28,24
9	Паркент тумани	106	46,62	62	42,11	27	37,55	12	34,72	9	30,56	43	48,45	6	35,19	33	32,07	7	28,17	8	32,29
10	Тошкент тумани	124	44,85	91	49,02	41	36,38	10	55,28	10	36,39	36	46,60	2	55,56	45	53,83	9	31,48	0	0,00
11	Чиноз тумани	47	38,24	31	37,19	14	31,94	1	33,33	1	13,89	23	46,50	1	41,67	16	41,15	4	28,47	0	0,00
12	Ўрта Чирчиқ тумани	124	42,09	72	44,14	37	32,88	13	42,52	8	29,17	47	45,69	5	42,22	28	45,24	23	20,05	12	26,62
13	Қуйи Чирчиқ тумани	34	44,93	16	42,53	8	34,03	6	42,59	6	39,35	17	55,88	1	63,89	8	31,94	6	17,13	0	0,00
14	Зангиота тумани	137	41,65	88	42,23	49	36,51	13	40,60	8	29,86	50	51,50	4	49,31	48	38,66	7	22,22	5	26,11
15	Юқори Чирчиқ тумани	52	40,49	30	41,85	12	29,63	6	36,57	5	31,67	19	47,66	2	30,56	19	34,94	3	27,78	7	24,60
16	Чирчиқ шаҳри	53	38,31	42	38,16	19	27,78	5	46,11	4	29,17	12	34,03	0	0,00	14	40,48	7	21,03	0	0,00
17	Қибрай шаҳри	9	43,21	5	32,78	4	33,33	0	0,00	0	0,00	3	38,89	0	0,00	2	22,22	2	23,61	0	0,00
18	Оҳангарон шаҳри	10	42,22	7	22,62	0	0,00	0	0,00	0	0,00	8	40,63	0	0,00	4	27,08	0	0,00	0	0,00
19	Ангрен шаҳри	194	48,01	69	40,82	5	42,22	2	38,89	4	49,31	168	44,33	0	0,00	88	39,96	47	21,22	2	27,78
20	Бекобод шаҳри	26	40,38	24	42,59	8	34,38	0	0,00	4	25,69	2	33,33	0	0,00	11	56,57	0	0,00	0	0,00
21	Олмалиқ шаҳри	56	42,91	39	40,81	18	33,33	0	0,00	0	0,00	29	39,85	0	0,00	14	51,59	8	32,99	0	0,00
22	Пскент шаҳри	8	55,56	5	40,00	2	29,17	0	0,00	0	0,00	4	72,92	0	0,00	4	54,86	0	0,00	0	0,00
23	Янгийўл шаҳри	32	47,40	19	38,01	11	40,66	0	0,00	3	39,81	15	46,85	0	0,00	13	47,65	0	0,00	0	0,00
24	Ғазалкент шаҳри	5	48,89	4	57,64	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	37,50	0	0,00	0	0,00
25	Бўка шаҳри	6	63,89	3	61,11	2	47,22	0	0,00	2	18,06	2	33,33	0	0,00	2	20,83	0	0,00	0	0,00
27	Паркент шаҳри	13	45,51	6	40,28	3	44,44	0	0,00	0	0,00	9	48,15	0	0,00	0	0,00	3	20,37	0	0,00
28	Келес шаҳри	12	46,06	9	70,99	6	51,85	3	23,15	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	69,44	0	0,00	0	0,00

XABARLARI ☎ MMM

KO'RGAZMADA BOLALAR IJODI

Qashqadaryo viloyati badiiy ijodkorlar uyushmasining Qarshi shahridagi ko'rgazma zalida «Bola ko'zlarida olam mujassam» nomli tasviriy va amaliy san'at ko'rgazmasi tashkil etildi. Unda Qashqadaryo viloyatining turli joylarida yashab ijod qilgan maktab yoshidagi rassomlar, halq xunarmandchiligi ustalarining asarlari namoyish qilindi. Hakamlar hay'ati tomonidan Shahrisabz xalq amaliy san'ati litseyi oquvchisi Mas'ud Xolov, Qarshi shahridagi 10 - maktab o'quvchisi- yosh haykaltarosh G'olib Jorayev va yosh hunarmand-Qarshi tumanidagi 9 - maktab o'quvchisi Nurbek Ibrohimovlar g'olib deb topildi.

Ko'rgazmada eng yuqori baholangan asarlar «YUNESKO» tashabbusi bilan 1999 yilda Chehiyada o'tadigan «Mening bobom, mening buvim» nomli xalqaro ko'rgazmada namoyish etiladi.

Muxtasarxon KARIMOVA

DAFTARLAR BEPUL BERILDI

Baliqchi tumanidagi maktablarda 32 mihg 500 nafar o'quvchi ta'lim oladi.Tuman hokimining tashabbusi bilan ularning o'quv yili davomida tutadigan daftarlari bepul berildi. Buning uchun baquvvat qishloq jamoa xo'jaliklari hisobidan tegishli mablag' ajratilib, Xitoydan 60 ming dona sifatli, rangdor muqovali daftar keltirildi. Mazkur xayrli ish boshqa joylarda ibrat va da'vat vazifasini o'tasa, ajab emas.

Avaz XAYDAROV

KONSTITUTSIYAGA BAG'ISHLANDI

Jizzax viloyat markaziy kutubxonacida konstitutsiya kuniga bag'ishlanib «Baxtimiz qomusi» deb nomlangan kecha o'tkazildi. Kechaga tumanlardagi kutubxona direktorlari, kitobxonlar, Jizzax shahridagi o'quv yurti talabalari, mahalla faollaridan iborat 140 dan ziyod kishi qatnashdi. Kechaga viloyat adliya boshqarmasi, shuningdek, huquq-targ'ibot boshqarmalaridan vakillar taklif qilindi. Ularning Konstitutsiyaga tegishli bo'lgan mazmunli ma'ruzalari tinglandi. Ishtirokchilar taklif etilgan vakillarga savollar berib, kerakli ma'lumotlar oldilar. Kechada Konstitutsiyaning ahamiyati va mohiyati haqida kehg munozara yuritildi. Tadbir yakunida «O'zbeknavo» gastrol konsert birlashmasi viloyat bo'limi o'z dasturlari bilan chiqishdi.

Sadbarxon JO'RAYEVA

MMM ☎ XABARLARI

Bahs

ДЕМОКРАТИЯ БОРАСИДА ГУРУНГ

Тошкент Давлат Олий педагогика институтида «Ўзбекистон демократик давлат қуриш йўлида» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда мазкур институтда дарс берувчи етакчи олимлар, сиёсатшунослар, файласуфлар республикамиздаги турли олий ўқув юртлари ўқитувчилари қатнашдилар. Давра суҳбатида демократик жамият қуришнинг асосий қонуниятлари; унинг халқаро тамойиллари; кўппартиявийлик ва демократик жамият; давлат органлари фаолиятини демократлаштириш; жамият, демократия ва шахс, таълим ва тарбияда демократик омиллар, миллий мафкура ва демократия каби мавзулар таҳлил қилинди.

Ўткир ҲАЙДАРОВ, шу институт директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор;

— Ҳар бир фан, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар ривожидаги қонуниятларни очишда, ворислик тамойилига амал қилиниши керак. Акс ҳолда тарихийлик ва мантиқийлик каби илмий билиш услуби ўз аҳамиятини йўқотади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг истеъдоди ва касб маҳоратига боғлиқ деб қарайдиган бўлсак, олдинги авлод қолдирган билимларни эгалламасдан туриб, билимдонликка даъво қилиш мумкин эмас. Ҳозирги замон таълим тизимида унинг демократик, байналминаллик табиатига эга эканлигини кўрсатиш муҳимдир. Шу асосда миллатнинг онгли ватанпарварлик бирлигини вужудга келтириш мумкин. Модомики, биз учун маънавий қадриятларни ривожлантириш, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа экан, бобокалонларимизнинг бой анъаналарига содиқ қолишимиз керак.

Равшан САНГИРОВ, шу институт сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор;

—Ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган тарихини демократия учун интилиш деб ҳам баҳолаш керак.

1992 йилда Президентимиз И. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида жамиятимизнинг тарихий чорраҳада турганлигини, ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Бу асарда Ўзбекистонда келажакда демократия ва ижтимоий адолатга асосланган жамият қуриш мумкинлиги илгари сурилган.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик жамият қуриш учун, аввало, унинг моҳиятини англаш муҳим сиёсий ва амалий аҳамиятга эга. Мен бугунги давра суҳбатимизда учта масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Биринчиси, янги жамият қуришда амал қилиниши керак бўлган қонуниятлар ва демократияни амалга оширишнинг усуллари ва белгилари. Иккинчиси, демократик жамият қуриш йўлида ўтган етти йил давомида Ўзбекистонда амалга оширилган ютуқлар ва рўй берган камчиликлар.Учинчиси, Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикрлашсак, ёмон бўлмайди.

«Демократия» лотинча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «халқ ҳокимияти» демакдир. АҚШнинг собиқ президенти Авраам Линкольн айтганидек, «демократия халқ орқали, халқ учун ўрнатилган халқ ҳокимиятидир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», дейилган. Демократик жамият қуриш назарясининг айрим жиҳатлари юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган —«Ўзбекистон – буюк келажак сари» асарида янада ривожлантирилди.

Сизларга маълумки, ҳар бир янги сиёсий тузум ва янги жамият муайян қонуниятларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида барпо этилади. Шу сабабли, республикамиздаги барча олий ўқув юртларида «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курси назарий фан сифатида ўқитилмоқда.

Н.САИДАҲМЕДОВ, профессор, ОПИ педагогика ва психология кафедраси мудири:

— Демократик жамият қуриш бевосита таълим ва тарбия билан боғлиқ эканлигини айтмоқчиман. Эркин фикрлайдиган, жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини ҳис эта оладиган фуқароларни тарбияламасдан туриб, демократик жамият қуриш тўғрисида гапириш мушкул. Бу «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз аксини топди. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири, таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик хусусиятда эканлигидир.

Ботир РАСУЛОВ, Андижон Давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, фан номзоди:

—Демократик жамият қуриш эзгу иш. Асосий қонунимиз – Конституциянинг кириш қисмида «Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш» лозимлиги қайд қилинган. Президентимизнинг демократик ҳуқуқий давлат қуришдек буюк мақсадга эришиш учун белгилаб берган тамойилларидан бири шуки, қонун устуворлигига эришмай туриб, тўлақонли демократик-ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди.

Албатта, қонун устуворлиги ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун қонунларни кенг халқ оммасига тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бир сўз билан айтганда, жамият фуқароларини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, уларда қонунга ҳурмат тушунчасини шакллантириш зарур.

Кодирхон ИНОМОВ, НамДУ сиёсатшунослик кафедраси ўқитувчиси:

— Хўш, маънавиятимизни тиклаш ва уни ривожлантириш янги демократик жамият қуришнинг муҳим қонунияти экан, маърифат-чи? Маърифат – бу шижоатдир. Маърифатдан йироқ шахс ёки амалдор ҳеч қачон халқ дилидагини англашга қодир эмас. Шундай экан, халқимиз онгига миллий мафкурани сингдириб, амалий тарбияни йўлга қўйиб, жамиятда соғлом муҳитни сақлаш керак бўлади.

Ф.ШАРИПОВ, Тошкент Давлат Техника университетининг сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор:

—Демократик жамиятнинг иқтисодий асоси нима?» деган саволга аввало жамиятда мулкчиликнинг хилма-хиллигига амал қилиниши керак, деб жавоб қайтариш мумкин. Иккинчидан, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ўзига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши керак. АҚШ сиёсатшуноси Далнинг «Иқтисодий демократия» китобида майда ва ўрта ишлаб чиқариш хусусида сўз боради. Китоб кўп жиҳатдан турмушимиз манзарасини тушуниб олишимизга ёрдам беради.

Н. АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд механика – иқтисодиёт коллежи ҳуқуқшунослик бўлими ўқитувчиси:

— Мана, Ўзбекистон жаҳон харитасида ўз йўлини топиб, демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида мардона одим ташламоқда. Менинг фикримча, ҳар бир демократик-ҳуқуқий давлат, аввало, ўз фуқароларини, ҳуқуқ ва бурчларини танийдиган даражада тарбиялаши, уларга шу соҳада керакли ва етарли билим бериши, уни шакллантириши лозим.

Тўтихон МУХТОРОВА, Тошкент Давлат техника университети сиёсатшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси:

— Юқорида жуда ўринли фикрлар айтилди. Менинг фикримча, энг аввало, демократик давлат қуриш учун халқ ўқимишли бўлиши керак. Бунинг учун халқимизнинг ўз ҳуқуқини англаб етиши, онг даражасини юксалтириш муҳим рол ўйнайди. Ҳали биз педагогларнинг бу борада қиладиган ишларимиз мўл. Шундай ишлайликки, токи халқимиз ўз қонунларини яхши англаб етсин. Менимча, ана шундагина чинакам ҳуқуқий давлат тўғрисида гапириш мумкин.

* * *

Давра суҳбати иштирокчиларининг биронтаси мавзуга муносабат билдирмасдан қолмади. Бу эса, республикамиз зиёлиларининг сиёсатга бефарқ эмасликларидан далолат беради. Кўриниб турибдики, ҳар бир зиёли наинки зиёли, ҳар бир фуқаро ёш давлатимизнинг йирик, илғор, демократия юксак даражада тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олишини истайди. Бу давра суҳбати фикримизга далил бўла олади.

Маъсума АХМЕДОВА, суҳбатлашди

ФИДОЙИ ХУҚУҚШУНОСЛАР

Сўнги йилларда республикамизда ёшларга кенг йўл очиб берилмоқда.

Жамиятнинг барча мафкуравий институтлари олдида ягона бир мақсад борки, у ҳам бўлса, ёш авлоднинг янгича, замонавий тафаккурини ривожлантиришдир.

Тошкент Давлат Юридик институтида ҳам ана шундай мақсадларни кўзлаб «Фидойи ҳуқуқшунослар клуби» ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Клуб Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги жамоатчилик маркази таркибида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Яқинда клуб аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда институт профессор ўқитувчилари, ўқув жараёни сифатини назорат қилиш бўлими ходимлари ва талаба ёшлар иштирок этдилар. Шулардан, профессор Н. Шодиев, клуб раиси Ж.Бобоев, талабалардан А.Бозоров, Х.Хўжаева, З.Нуриддиновлар сўзга чиқдилар. Маърузаларнинг асосий мавзуси, Республикамиздa ҳуқуқий давлатнинг пойдеворини қуришда ёшларнинг ҳиссаси катталиги, бу борада ёш авлод мустақиллик моҳиятини чуқур, онгли равишда ҳис этиши, эркин фикр юритиши, уларга берилган имкониятлардан ташқари, зиммасига юкланган масъулиятларини англаб етиши, ҳозирги сиёсий жараёнда ёшларнинг тутган ўрни, ҳаётда тутган ўрни, уларнинг вазифалари ва бурчлари ҳақида фикрлар бўлди.

Йиғилиш сўнгида клуб аъзолари кейинги давра суҳбатида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан учрашув ўтказишни режалаштирдилар. Йиғилиш жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Кувонч ҚОДИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти ходими

БОҚИЙЛИК БАХТИ

Чингиз Айтматовнинг инсонпарварлиги, инсонни севиши ва унга ишончи, унинг асарларини бутун дунёга машҳур қилди, улар жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари қаторидан жой олди.

Ёзувчининг дунёси такрорланмас, кўпбезакли, бой ва кутилмасдир. Ижодининг яна бир қирраси шундан иборатки, у ўзининг кўпгина асарларини аёллар образини яратишга бағишлаган.

Ҳамма нарсанинг боши – аёл. Она, севикли ёр бўлган аёл кишининг образини ёритишда ёзувчи ўзининг бутун қалбини, вужудини, севгиси, нафис туйғулари ва чексиз миннатдорлик ҳисларини сарфлаган.

Чингиз Айтматов адабиётга 50-йилларнинг биринчи ярмида кириб келди. «Қирғизистон» адабий ойномаси саҳифаларида унинг «Ошим», «Сепувчи», «Оқ ёмғир», «Рақиблар», «Бойдамтол дарёсида» ва бошқа ҳикоялари босилиб чиққан эди. Илк ҳикоялардаёқ ёзувчи ижтимоий турмуш меъёрларининг бузилишига ўзининг муросасизлигини кўрсатади ва у ёки бу персонажнинг жамиятга ёт ҳаракати сабабларини фош қилиш, инсон ҳиссиётлари ва қаҳрамонларининг кечинмалари дунёси ичига кириш масаласини кўяди.

Ч. Айтматовнинг илк повестлари «Юзма-юз» ва «Жамила» қирғиз ерининг уруш йилларидаги одамлари ҳақидаги асарларидир ва бу тасодиф эмас. Бўлажак ёзувчи характерининг шаклланиши уруш даврига тўғри келди; болалик йиллари ва ўсмирлик ёшининг таассуротлари ҳамиша жуда ёрқин бўлади ва қалбда чуқур из қолдиради. Шу боис, кейинчалик ҳам ёзувчи уруш йилларига қайта-қайта эътиборини қаратади.

Ёзувчининг адабиётдаги кейинги қадами «Сарвқомат дилбарим» повести бўлди. Бу повест ҳам севги ҳақида, аниқроғи йўқолган севги тўғрисида. Асар лирика, бош қаҳрамонлар туйғулари тавсифидаги самимиятлик, Асал ва Илёснинг юксак маънавий севгиси акс этиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, ёзувчининг урушга қарши энг ёрқин асарларидан яна бири «Сомон йўли»дир. Бу асарда барча яқинларини урушда йўқотган аёл-онага чуқур таъзим, унинг инсонпарварлиги, ҳаётга муҳаббати,шарқона қалби акс эттирилади.

Барча қийинчилик ва азиятларга қарамай она халқдан юпанч топди.

Чингиз Айтматов ижодий эволюциясининг қонуний натижаси «Асрга татигулик кун» романи бўлди. Бу ёзувчининг биринчи романидир ва ёзувчи маҳоратининг янги беқиёс юксак босқичидир, тасвирий воситаларнинг бойиши, руҳий таҳлил ва усулнинг ўткирлашганлиги бўлди. Романнинг образли тизими фавқулодда кўп маъноли дир. Замонларнинг боғлиқлиги, ўтмиш хотираси, халқ ҳаётининг маънавий – аҳлоқ ва нафосат қадриятлари романнинг, диққат марказида туради. «Асрга татигулик кун» романи мураккаб таркибга эга. Бу ерда турмуш ва ривоят, яққол ҳаёт ва фантазия, кун ва аср чатишиб кетади.

Асар қаҳрамони Едигейнинг ҳаёт йўли осон эмас. У урушнинг бошидан охиригача бўлади ва бунинг устига яна контузиядан тузалмасдан «Бўронли» кичик темир йўл станциясида ўрнашиб қолади. Унинг бутун ҳаёти оғир ўтади, лекин меҳнат унга қониқиш беради. Бу меҳнат поездларнинг «шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа» тўхтовсиз харакатини таъминлайди. Қудратли ишонч Айтматов прозаларидаги яхши одамларни ҳаракатга келтиради. Қийинчиликлар ва азоб-уқубатлар уларнинг кўнглини мустаҳкамлайди. Меҳнаткаш ва файласуф Бўронли Едигей ҳам шундай бўлган. Муаллиф уларнинг характерини батафсил ёритади. Унинг бутун ҳаёти ахлоқий жасорат, инсоннинг қадр-қиммати ҳақидаги ўзининг тасаввурларини ифодалаб берди.

Ч. Айтматовнинг «Кунда» романи адабиётимизнинг алоҳида воқеаси бўлди. Бу мураккаб, кенг кўламдаги асар ёзувчи ижодидаги асосий мавзунинг давоми бўлиб ҳисобланади. Бу ерда биз яхшилик ва ёмонлик ҳақида, инсон тақдири ҳақида, вақт ҳақида, ҳаёт ҳақида масаланинг жиддий қўйилиши ва ечилишини кузатишимиз мумкин.

Роман, биринчи кўринишида, учта мустақил, лекин бир-бири билан боғланмаган қисмлардан иборат. Асар мураккаб тузилган бўлиб, ўқувчини жиддий ўйлашга мажбур қилади. Барча хатолар, бебошликлар, зулмлар учун бутун жамиятимизнинг маъсулияти ҳақидаги фикр-романнинг бош фикридир.

Дарҳақиқат, бугун Чингиз Айтматов ва унинг асарлари хусусида гапирар эканмиз, бунинг боиси бор. Айни кунларда буюк адиб муборак 70 ёшга тўлди. Ёзувчини барча мухлислари сафида биз ҳам ана шу қутлуғ ёши билан қутлашга жазм этдик.

Г. АБДУЛЛАЕВА, филология фанлари доктори, профессор

Dolzarb mavzu

ҚИШ ЭШИКДАН МЎРАЛАДИ

Таълим муассасаларимиз аёзли қиш мавсумига тайёрми? Мухбиримиз Қашқадарё вилояти Косон тумани халқ таълими бўлимининг мудири Ҳасан СОИБОВ билан ҳудди ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Туманимизда 115 та таълим муассасаси бўлиб, уларнинг барчаси таъмирдан чиқарилган. Иситиш қурилмалари, эшик ва ромлар қайта таъмирланган, 1020 квадрат метр ҳажмдаги синган дераза ойналари ўрнига қайта ойна қўйилди. Таълим муассасаларимиздаги 2 та қозонхона, 528 погонметр ички ва 450 погонметр ташқи иситиш тизими, 208 квадрат метр сатҳда иситиш томларининг усти, 79 та печлар ялпи таъмирланди.

Мавжуд 115 та таълим муассасамизнинг 11 таси марказлашган ҳолда, 5 таси электр қуввати билан, 27 таси печлар ёрдамида иситилади. Қолган 72 та муассасамизнинг иситиш воситаларидан 32 таси суюқ ёқилғи, 20 таси эса табиий газ билан ишлайди.

Муассасаларимизни таъмирлаш ишларида тумандаги «Гулистон», «Ўзбекистон», Беруний, «Гувалак», «Чироқчи», «Косон» жамоа ва ширкат хўжаликлари ва «Шомурод ота» хусусий фирмаси, тумандаги дон маҳсулотлари корхонаси, «Тулга» деҳқон фермер хўжалиги, Косон электр тармоқлари корхоналари катта ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири ҳисоб рақамимизга 150-200 минг сўмдан маблағ ўтказиб беришиб, умумий ҳисобда 1 миллион 549 минг сўм миқдорида моддий ёрдам уюштирдилар.

1998-1999 ўқув йилида қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун режага кўра, 2285 тонна кўмир ва 290 тонна суюқ ёқилғи олишимиз керак. Очиғи, ҳозирга қадар ҳар иккала турдаги ёқилғидан ҳам режадагига нисбатан 50 фоизини олдик. Мактабларимизда ҳозирга қадар 98 куб метр маҳаллий ёқилғи-ўтин жамғарилди. Об-ҳаво очиқ келган айни кунларда туманимиз мактабларида маҳаллий ёқилғи тўплаш ишлари қизғин давом этаяпти.

А. ОБИДДИНОВ

Fanimiz fidoyilari

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«Юрт айвони кенг» дейишади. Ҳар куни юзлаб одамларни кўрасиз. Ҳар бири бир дунё. Улар оралаб кезинар экансиз, бир дам кўзингиз «ярқ» этиб кетгандай бўлади — рўпарангизда сизга таниш чеҳра мулойим жилмайиб туради... Бир сохада меҳнат қилаётган кишиларни ҳам шу ҳолатга, кўчада кетаётган тумонат одамга ўхшатса бўлар, балки. Фақат фарқи шундаки, улар маслакдош, бир манзилни кўзлаб бораётган одамлардир. Шунинг учундирки, бу маслакдошлар ўзларини гўё кичик бир халққа менгзашади. Сухбат орасида, масалан «биз-ўқитувчи халқи» деган иборани қўллаб ўтишни ёқтиришади. Уларнингда ўз фидойи инсонлари борки, гўё кўчада кетиб борар экансиз, бу таниш чеҳраларга дуч келиб кўзингиз «ярқ» этиб очилгандай бўлади.

Юртимиз истиклолга эришгач, барча соҳа кишилари каби, таъбир жоиз бўлса, «ўқитувчи халқи» ҳам нурга етишди. Орамизда шундай ўқитувчилар пайдо бўлдики, улар ўз илмлари, изланишлари туфайли мактаби, тумани доирасидан чиқиб жаҳонга бўйлай бошладилар. Уларнинг номи йирик халқаро йиғинларда тилга олина бошланди. Бундай инсонлар ўз навбатида бир максад сари бораётган ўз хамкасблари ўртасида таниш чехраларга айланди, хурмат козонди. Кувончлиси эса, бундай инсонларнинг орамизда бисёрлигидир. Шу маънода биз сўз юритмокчи бўлганимиз, академик Бекмурод Қодировнинг номи ҳам сизга таниш бўлса, сира таажжубга тушмаймиз.

Заҳматкаш олим бундан роппа-роса эллик йил бурун Шеробод туманидаги Чинор қишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабда, сўнгра Термиз давлат педагогика институтида тахсил олди. Ва ўшандан буён унинг фаолияти мана шу олий даргоҳда кечмоқда. Бекмурод Қодировнинг илмий фаолияти ўзбек халқ педагогикасини ўрганиш ва бу уммон бағрида ётган дуру ганжиналардан бошқаларни ҳам бахрамманд этиш билан чамбарчас боғлиқдир. У 1975-78 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти «Умумий педагогика» кафедраси қошидаги кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олиб, «Ўзбек халқ достонларида илғор педагогик анъаналар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда улардан фойдаланиш» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

Аспирантурани тугатиб институтга қайтар экан, олим истеъдодининг ўзига хос қирралари намоён бўла бошлади. 1978-1982 йиллар Табииёт факультети деканининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. 1985-1988 йиллар Табииёт факультетининг декани, 1988 йилдан бошлаб янги ташкил этилган Педагогика ва психология факультети декани вазифасида ишлаб келмоқда.

1985 йилда доцентлик унвонини олган олим Россия Педагогика Фанлари Академияси Миллий педагогика илмий тадқиқот институти «Халқ педагогикаси» лабораториясида докторант сифатида катта илмий тадқиқот ишига қўл урди.

Диссертация Халқаро халқ педагоглари тизимида ўз мавзуи билан биринчи ишлардан бўлиб, унда Шарқ педагогикасининг ажралмас қисми бўлган — ўзбек халқи анъанавий педагогик маданиятининг шаклланиш босқичлари жиддий фикрлар орқали баён қилинган.

Олимнинг 1992 йилда Тошкентдаги «Меҳнат» нашриёти орқали чоп этилган «Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши» номли 192 саҳифалик монографияси, Шарқ педагогикаси манбаларининг бойитилишига қўшилган муносиб ҳисса ҳисобланади. Бундан ташқари унинг «Ўзбек халқ педагогикасининг умумий асослари», «Сурхондарё олимлари», «Илғор педагогик анъаналар» каби асарлари кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳо олди.

Унга 1992 йил Олий Аттестация комиссияси профессорлик унвонини берди. Унинг қаламига мансуб 3 монография, 1 дарслик, 3 ўқув қўлланма, 12 методик қўлланма, 4 методик тавсия, 300 дан ортиқ илмий оммабоп мақола эълон қилинган.

Олимнинг бевосита ташкилотчилигида 1995 йил 10-14 май кунлари Жаҳон педагог олимларининг «Зараутсой-95» Халқаро симпозиуми Хўжа Анқо оромгоҳи ёнида ўтказилди. Бу симпозиумни ўтказиш ва 3 та илмий асарлар тўпламини ўзбек, рус, инглиз, немис тилларида Москва, Тошкент, Термиз шаҳарларида нашр эттиришни хамкасблари билан биргаликда амалга оширди.

1998 йилнинг 12-15 май кунлари илм-фан ахлининг диккат-эътибори яна «Зараутсой-98» II-Халқаро халқ педагогикаси симпозиумига каратилди. Ушбу симпозиумга 10 дан ошиқ чет мамлакатлардан олимлар қатнашиб, ўзларининг кимматли фикрларини билдирдилар. Илм-фанни ривожлантиришнинг долзарб масалалари белгилаб олинди. Симпозиум материаллари «Халқ педагогикаси» номли китоб сифатида нашр қилинди. Бугунги кунда ушбу китоб кўп сонли зиёкорларнинг севимли қўлланмасига айланди.

Бундан ташқари, Б. Қодировнинг қаламига мансуб очерклар, лавҳалар, фельетонлар, ҳикоялар ҳам эълон қилинган. Ижодкор олим ёшлар тарбияси, айниқса маҳаллий қизларнинг илм олиш йўлидаги қийинчиликлари ва айрим оилавий изтиробларига бағишланган «Қалтис қадам» номли педагогик киссасини эълон қилди ва, қисса бадиий асарларнинг йиллик мухокамасида И. Отақулов номидаги мукофот билан тақдирланди.

1996 йил 15 сентябрь куни Халқаро Педагогика Фанлари Академиясининг Москва шаҳрида ўтган сессиясида Б. Қодиров мазкур Академиянинг Мустақил Ўзбекистон Республикасида биринчи бўлиб ҳақиқий аъзолигига /академиклигига/ сайланди. У 1972 йилда «Харбий хаво қўшинлари аълочиси», 1992 йилда «Халқ таълими аълочиси» нишонлари билан, ХПФ Анинг 1997 йил 26 февралдаги йиллик сессиясида «Жаҳон халқлари педагогикасини ўрганиш – халқлар дўстлиги тарбиясининг муҳим омили» деган мавзудаги маърузаси учун жаҳон олимларининг Ян Амос Коменский номидаги олтин нишони билан мукофотланди.

Орамиздаги инсон, кўпчилигимизга таниш сиймо Бекмурод Қодиров оиласида ҳам бахтли. Қобил фарзандлари ва невараларининг қуршовида ўтадиган дақиқалар унинг оромбахш онларидир. «Устоз» дея унинг эшигини қоқиб келадиган юз-юзлаб шогирдлари эса, олимнинг энг қадрдон кишиларидир.

Икром БЎРИБОЕВ

ЎҚУВ АНЖОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ТошДУ маданият саройининг кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳомийлигида ўқув анжомлари кўргазмаси ташкил этилди. Жами 28 та фирма ва қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ўқув дастгоҳларидан стол, стул, парта, ёзув тахтаси, юмшоқ мебеллар ва ётоқхона жиҳозлари намойиш қилинди. Кўргазмада айниқса, «Ўзташқиулгуржисавдо» хўжалик ҳисобида иш юритувчи фирма маҳсулотлари мижозларга маъқул тушди. Шунингдек, ўқув даргоҳлари билан кўпгина фирмалар ўртасида шартномалар имзоланди.

Tajriba-sinov maydonchalarida

ИККИ ОМИЛ УЙҒУНЛИГИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Бошланғич таълим-тарбия марказида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури бўйича тажриба-синов ишлари намунали олиб борилаётир.

БТТМда олтита гуруҳ мавжуд бўлиб, унда 130 кичкинтой тарбияланаётир. Кичик, ўрта, тайёрлов ҳамда 4-5-6 яшар аралаш болалардан иборат 4 та гуруҳда тажриба-синов ишлари амалга оширилаётир.

Биз турли ёшдаги болалардан иборат аралаш гуруҳда ўтказилган ноанъанавий мужассам машғулотни кузатдик. Гуруҳда 20 нафар жажжи болажонлар жамланган. Кичкинтойларга 26 йиллик тажрибага эга бўлган педагог-психолог, олий тоифали тарбиячи Насиба Соатова мураббийлик қилаётир.

Машғулотда ҳар бир бола ўзи хоҳлаган ўйинни ўйнамоқда. Кимдир уй қуришясаш, кимдир апликация (шаклларни қирқиб ёпиштириш), яна кимдир сенсорик ўйин билан банд.

— Машғулотларимизни, — деди тарбиячи Насиба Соатова, — Мария Монтессорри услуби асосида ташкил этмоқдамиз. Мазкур машғулотда нуридийдалар ҳар томонлама – руҳан, жисмонан, ақлан ривожланадилар. Хотира, тасаввур, идрок каби руҳий сезимлари шаклланади.

Мурғак қалблар, айниқса, рангли, расмли китобларни жуда яхши кўрадилар. Эртак, ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг ички туйғусини, салбий ёки ижобий эканлигини тезда пайқайдилар. Расм чизганда ҳам қаҳрамонларнинг сиймосини салбий бўлса қуюқ қора рангда, ижобий бўлса тиниқ, очиқ бўёқларда акс эттирганлар.

Дарвоқе, болаларнинг ҳар бир жисмоний ҳаракати ортида ҳис-туйғулар, тасаввур-идрокнинг такомили ётади. Тарбиячилар ҳамиша шу икки омил уйғунлигини таъминлаш пайида. Шунингдек, муассасанинг ёш ниҳоллари тасвирий санъат, рус тили, инглиз тили, жисмоний тарбия, компьютер, каратэ, нутқ ўстириш, мусиқалардан ҳам имкон қадар кенгроқ сабоқ олаётирлар. Машғулотлар уларнинг ёш хусусиятларига қараб, 20-30 минут давом этмоқда. Ҳар кварталда тест ўтказилиб, амалга оширилаётган тажрибаларнинг натижаси синаладиган.

Ҳа, БТТМ нинг бийрон тилли болакайлари, ҳозиржавоб ўғил-қизлари вояга етиб, ўзларининг мустақил фикрлари ва мустаҳкам хатти-ҳаракатлари билан келажаги буюк юртимизнинг ёруғ юлдузлари бўлишларига ишончимиз комил.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ЮТУҚЛАР СИРИ АҲИЛЛИКДА

**Ангрен шаҳридаги Бизнес мактаби 1948 йилда 44-завод-фабрика мактаби номи билан ташкил этилган.*

**Ҳозирги кунда унда 16 нафар умумтаълим фанлари ўқитувчилари, 20 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари (улардан 16 нафари олий маълумотли муҳандис-техник ходимлар) 500 нафар ўқувчи-ёшларга билим ва касб-ҳунар сирларини ўргатишмоқда. Шу кунгача бу даргоҳда 21 минг нафар ёшлар касб-ҳунарли бўлишган.*

**Бизнес мактабида 20 та ўқув синфхонаси ва махсус машғулотлар учун хоналар, 4 та лаборатория, 7 та ишлаб-чиқариш устахонаси, 480 ўқувчига мўлжалланган ётоқхона ҳамда ўзида 20778 дан зиёд ўқув дарсликлари, қўлланмалари ва бадиий китобларни жамлаган кутубхона мавжуд.*

**Бу илм масканида қуйидаги мутахассислар тайёрланади: қурилиш ва кошинкорлик ишлари; умумий қурилиш ишлари ва электрогаз-пайвандчиси; дурадгорлик ва паркет ишлари; том ишлари мутахассиси; ошпазқандолатчи-новвой; озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси; назоратчи; газначи; банк иши; ҳисобчилик иши; суғурта иши.*

Бизнинг касб-ҳунар ҳамда илм масканимиз 1992 йилда Бизнес мактабига айлантирилди. Давр талаби бўлган бу янгилик фаолиятимизни тубдан ўзгартиришни тақоза этди. Ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчилар ва педагог-муҳандислар таркибини қайта тайёрлаш, ўқувчиларнинг бу жараёнга мослашуви билан боғлиқ бир талай муаммолар юзага келганди. Жамоанинг фаоллиги, аҳиллиги боис биз тез орада мавжуд камчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлдик.

Ҳунар мактабимиз қурилиш соҳаси мутахассислари билан биргаликда иқтисодиёт ҳамда маиший хизмат жабҳалари учун ҳам касб-ҳунар эгаларини етиштириб беришга киришди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эса мақсад ва вазифаларимизни янада ойдинлаштирди. Биз ҳам жамоамиз билан ушбу қонунларга асосланиб, Бизнес мактабимизни касб-ҳунар коллежига ўтиш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш режасини тузидик.

Биринчи босқичда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ўрганиш, тузилган ишчи гуруҳлар зиммасига ушбу ҳужжатлар тар-ғиботига тааллуқли аниқ вазифалар юкланди. Ўқитувчилар, педагог-муҳандислар қонунларни билиши доирасида тест синовларидан ўтказилади.

Иккинчи босқич вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди: ўқитувчилар, педагог-муҳандислар малакасини оширишни мавжуд талаблар ва эҳтиёжларга асосланган ҳолда режали амалга ошириш; мактаб услубий шўъбалари ишини фаоллаштириш; педагогларнинг ўз устида мунтазам ишлаши учун шарт-шароит яратиш.

Учинчи босқичда асосан моддий техник базани мустаҳкамлаш, ўқув ва ишлаб-чиқариш устахоналарини зарурий замонавий техник воситалар билан жиҳозлашни мўлжаллаганмиз.

Тўртинчи босқич эса, ўқув ва амалий жараённи мазмунан бойитиш, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, методик адабиётлар таъминоти билан боғлиқ ишларни ўз ичига олган.

Шуни таъкидлаш жоизки, таълим муассасамизда тайёрланган ушбу режа бизга юқорида қайд этилган таълим соҳасидаги муҳим икки ҳужжатни амалий ўрганишга имконият бермоқда. Зеро, режамизда жамоамиздаги ҳар бир ходим, муҳандис-педагогнинг вазифалари аниқ ва равшан кўрсатилган.

Бизнес-мактабимиз бозор иқтисодиёти даврида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 1998 йилда тест саволлари асосида бизнес мактабига қабул қилинган ўқувчиларнинг ҳар бири билан ўзи танлаган соҳага қизиқиши қанчалик даражада эканлигини ўрганиш мақсадида алоҳида суҳбатдан ҳам ўтказилди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳасида бизнес ҳисобчиси, касса оператори ва менежерликка эҳтиёж катта бўлганлиги боис, мактабимиз шаҳардаги «Меҳнат биржаси» ҳамда «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш палатаси» билан шартномалар тузиб, «компьютерда ишлаш малакасига эга бўлган ҳисобчи», «кичик бизнес ҳисобчиси», «бюджет муассасалари ҳисобчиси», «сартарошлик» ҳамда «совутгичларни таъмирловчи» мутахассислиги бўйича малакали ходимлар етказиб бермоқда. Бундан ташқари шаҳримиздаги қўшма ва кичик корхоналар, ишлаб чиқариш корхоналари учун қатор мутахассисликлар бўйича ишчи кадр тайёрлаб бермоқдамиз.

Шу билан бир қаторда ўқувчиларимиз меҳнат таълими амалиётини шаҳардаги қатор хўжалик тармоқларида, ишлаб чиқариш устахоналарида ўтамоқдалар. Мактабимиздаги устахонада эса аҳолининг буюртмалари асосида темирдан эшик, панжара каби чилангарлик, дурадгорлик жиҳозлари тайёрланмоқда. Шунингдек, ўқувчиларимиз тажрибали уста А. Ильин раҳбарлигида мактаб жиҳозлари, жумладан, парта, стол-стулларни таъмирлаш ҳамда ганч усулидаги ўзбекона хонтахталар, ўриндиқлар ясаш билан ҳам шуғулланмоқдалар. «Қурувчи-кошинкор» гуруҳида таълим олаётган ёшларимиз эса ўқув даргоҳимиздаги қурилиш-таъмирлаш ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Жами бу йил ўқувчиларимиз ишлаб чиқариш амалиётидан мактабимиз бюджетига 339700 сўм миқдорида даромад келтирдилар. Бу эса режадагидан 1,5 баробар кўпдир. Устахонамизнинг ўзида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳисобига эса 79271 сўм даромад қилинди ва йиллик режа бажарилди. Бундан ташқари ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор муовини Ж. Худайбақовнинг саъйи-ҳаракатлари билан мактабимизда хўжалик ҳисобидаги 3-6 ойлик пуллик гуруҳлар ташкил қилиниб, бундан 121000 сўм даромад келиб тушди. Олинган даромадлар таъмирлаш, ўқув моддий техника базани мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва муҳандисларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Шу ўринда ўқувчиларнинг шаҳардаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётидан олинган даромади хусусида тўхталадиган бўлсак, бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, 1996 йилда режадаги 86920 сўм ўрнига 200200 сўм, 1997 йилда режадаги 101000 сўм ўрнига 256200 сўм, 1998 йилда эса 136230 сўм ўрнига 399700 сўм даромад олинди.

Билим масканимиз шаҳардаги таълим муассасалари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ангрен ўзбек-турк лицейи, Ангрен Давлат вилоят педагогика институти ҳамда бир қатор мактаблар шулар жумласидандир. Биз бу масканлар билан ўқувчиларимиз ўртасида спорт ва касбга йўналтириш бўйича тадбирлар уюштирмоқдамиз. Ушбу таълим муассасалари учун ҳам мебеллар ясашда, таъмирлаш, жиҳозлаш, сантехник ишларини бажаришда яқиндан ёрдам бермоқдамиз. Ангрен педагогика институти билан тузилган шартнома эса бизнес мактабимиз негизида мазкур олийгоҳ талабаларининг информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси ҳамда иқтисодий фанлар бўйича лаборатория машғулотларини ташкил этиш, малака ошириш курсларини ўтказиш имкониятини бермоқда.

Илм даргоҳимизда кўп йиллик тажрибага эга, ўз касбининг фидойилари бўлган ўнлаб ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталари ва тарбиячилар меҳнат қилишмоқда. З. Тураева, Г. Какарунова, Р. Ҳалимуллина, А. Норалиевлар шулар сирасига киради.

Мактабимиз ҳаётини турли мавзуда ўтказилаётган тадбирлар ва кечаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир сана, ҳар бир аҳамиятли кунниг муносиб равишда нишонланиши кўпроқ маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Ш. Дадаматовнинг ташаббускорлигига боғлиқдир. Ў ёки бу тадбирни ташкил этар эканмиз, аввало, ўқувчиларнинг маданий ва маънавий имкониятлари, қизиқишлари, ташкилотчилик қобилиятларини ҳисобга оламиз. Шу сабабли қутлуғ саналарга бағишлаб ўтказилган ҳар бир шодиёна катта тантанага айланмоқда. Бундай байрамларда қизиқарли учрашувлар, саволжавоб кечалари, спорт мусобақалари, истеъдодлилар танловларини ўтказиш анъанага айланган. Ўқувчиларимиз билимининг чуқурлашувида мактабимиздаги ўнга яқин фан тўгараги фаолияти самарали натижа бермоқда.

Келажакда режаларимиз жуда катта. Дастлаб ички камчилик ва бажарилмай қолган ишларни тугатамиз. Жумладан, мактаб иссиқхонасида ошхонамизни доимий кўкат ва сабзавотлар билан таъминлаш режалаштирилган. Шаҳар ҳокимияти билан келишилган ҳолда мактабимиз қошида теннис корти қурилишини бошладик ва у 1999-2000 йилгача тўлиқ ишга туширилишини кўзда тутмоқдамиз. Аҳолидан тушган буюртмаларга биноан ўқувчилар кучи билан маиший хизмат кўрсатиш ва кундалик буюмларни ясашни кўпайтирамиз. Режага киритилган энг катта ишларимиздан бири — бу бизнес мактабимиз қошида саноат моллари дўконини ташкил этишдир. Бу дўконда асосан ўқувчиларимиз томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотиш кўзда тутилмоқда.

Тўйчи МУТАЛИМОВ,
бизнес мактаби раҳбари





Суратларда : Бизнес мактаби ҳаётидан лавҳалар.

Reja

МЕТАЛЛ- БОЙЛИГИМИЗ

Юртимизнинг ҳар бир қарич тупроғи тиллога тенг. Айниқса, унинг бағрида турфа хил қазилма бойликлар бисёр. Лекин шундай бўлса-да, келажак олдидаги масъуллик бизни мамлакатимизнинг бу бойликларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга ундайди. Бу борада, айниқса иккиламчи хомашёдан унумли фойдаланиш, уларни тўплаш ва қайта ишлаш муҳим ўрин тутади. Зеро,юрт бойликларини асрай билмоқ ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган «Қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича давлат буюртмаларини бажаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқ ҳам худди шу мақсадларни ўзида қамраб олган. Унда, вазирлик қошида қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ҳамда давлатга топшириш ишларини кундалик назорат қилиб борувчи штаб тузилиши кўзда тутилган. Шунингдек, буйруққа кўра, барча ўқув муассаса ва ташкилот раҳбарлари икки ҳафта ичида металл парчаларини топшириш бўйича «Ўзвторчермет» ва «Ўзцветмет» билан шартнома тузишлари, йиллик металл парчалари топшириш режасининг 1999 йил 15 майга қадар бажарилишини таъминлашлари лозим.

Халқ таълими вазирлигининг ушбу буйруғи билан ўқув муассасалар ва ташкилотлар бўйича 1999 йил металл парчаларини топшириш режаси тасдиқланди. Қуйида ушбу режа эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА 1999 ЙИЛ РЕЖА ТОПШИРИҒИ

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ НОМИ	ҚОРА МЕТАЛЛ ТН.	РАНГЛИ МЕТАЛЛ КГ.
Андижон пед. билим юрти	35	160
Асака пед. билим юрти	35	160
Бўз пед. билим юрти	35	160
Андижон индустриал педагогика техникуми	35	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**150**	**740**
Бухоро пед. билим юрти	40	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**50**	**260**
Қарши пед. билим юрти	40	160
Шаҳрисабз пед. билим юрти	40	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**90**	**420**
Чуст пед. билим юрти	35	160
Наманган пед. билим юрти	35	160
Косонсой пед. билим юрти	35	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**115**	**580**
2-Самарқанд пед. билим юрти	40	150
1-Самарқанд пед. билим юрти	40	150
Беруний номли пед. билим юрти	40	150
Каттақўрғон пед. билим юрти	40	150
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Самарқанд ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейи	10	100
ЖАМИ	**180**	**800**
Термиз пед. билим юрти	35	160
Ангор пед. билим юрти	35	160
Денов пед. билим юрти	35	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**115**	**580**
Сирдарё пед. билим юрти	30	100
Гулистон пед. билим юрти	25	100
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	5	100
ЖАМИ	**60**	**300**
Навоий Давлат пед.институти	75	400
Навоий пед. билим юрти	35	150
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**120**	**650**
Қўқон Давлат пед.институти	75	400
Қўқон пед. билим юрти	35	160
Марғилон пед. билим юрти	35	160
Фарғона «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Қўқон «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Фарғона ҳарбий касбга йўналтириш лицейи	10	—
ЖАМИ	**175**	**920**
Хива пед. билим юрти	35	150
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
Ургенч ҳарбий лицейи	10	—
ЖАМИ	**55**	**250**
Нукус Давлат пед.институти	75	400
Нукус пед. билим юрти	35	155
Хўжайли пед. билим юрти	35	155
Беруний пед. билим юрти	35	155
Чимбой пед. билим юрти	35	155
Қорақалпоғистон «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**225**	**1120**
Жиззах Давлат пед.институти	70	300
Жиззах пед. билим юрти	35	150
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**115**	**650**
Тошкент вилоят давлат пед.институти	75	400
Ангрен пед. билим юрти	35	160
Тошкент вилояти пед. билим юрти	35	160
Бекобод пед. билим юрти	35	160
Вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси	10	100
ЖАМИ	**190**	**980**
1-Тошкент пед. билим юрти	35	150
Ражабий номли пед. билим юрти	35	150
Тошкент индустриал педагогика техникуми	35	150
Республика мусиқачилар тайёрловчи мактаб интернати	10	—
Тошкент ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейи	35	200
Республика Нафис санъат лицейи	10	—
Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти	10	—
«Таълим-таъминот-жиҳоз» Республика корхонаси	10	—
«Таълим-қурилиш-таъминот» Республика корхонаси	10	—
Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси	10	—
АЖ «Узбекчавтоматика»	10	100
ЖАМИ	**210**	**750**
ЖАМИ:	**1850**	**9000**

БИРИНЧИ БОСҚИЧ: МАКТАБ САРИ ИЛК ҚАДАМ

Инсон боласи умри давомида ўз ҳаётида бурилиш ясаши мумкин бўлган синовлар, кузатишу имтиҳонларга рўбарў келаверади. Боғча, мактаб, олий ўқув юртларига кириш, илмий даража олиш учун саъй-ҳаракат қилиш ва бошқаларда бу нарса янада яққолроқ кўринади. Тўғри, буларда кишининг савиясини билишга қаратилган имтиҳонлар ҳам бор. Аммо бугун биз бу ҳақда эмас, инсон учун энг зарур бўлган унинг соғлиғи хусусида тўхталмоқчимиз.

Бир қарашда расмиятчилик ҳаётий ҳақиқат мезонларини тўлдириб туради.

Бугун мактабга олинмай қолган олти ёшлиларнинг тақдири мавзуси долзарб бўлиб турибди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да боланинг мактабга олиниши 6-7 ёшдан қилиб белгиланган-ку? У 7 ёшдан мактабга борса ҳам бўлади, —дея эътироз билдиришга ҳаққингиз бор. Аммо биз сиз билан 6 ёшли боланинг мактабга бирор бир сабабсиз олинмай қолгани эмас, нималарга асосланиб олинмаганлиги хусусида мулоҳаза юритамиз.

Бундан икки ой муқаддам Халқ таълими вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлигининг ҳамкорликдаги 1998 йил 5 июнь 248/102-сонли «Болаларни 6 ёшдан мактабларга қабул қилиш жараёнида ўтказиладиган тиббий кўрик ҳақида»ги буйруғининг бажарилиши тўғрисида»ги 170 - сонли буйруғини чиқарган эди. Унда мазкур ўқув йили учун республикамиз бўйича 6 ёшли болаларнинг 607684 нафари (98,8) тиббий кўрикдан ўтказилганлиги қайд қилинади. Тиббий кўрик натижаларига кўра болаларнинг атиги 89130 нафари (14,7%) соғлом деб топилди ва уларга соғлиқ даражаси бўйича мактабга бориши мумкин деган тавсияномалар берилди. Қолган 518554 бола(85,3%) эса ўқиш жараёнида қатнашиши мақсадга номувофиқлиги тўғрисида хулосалар чиқарилди. Очиғини айтиш керак Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнидаги айрим камчиликлар – халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги сустлиги, тузилган комиссия таркибида тор доирадаги мутахассисларнинг йўқлиги юқорида номлари қайд этилган жойлардаги тиббий кўрик сифатига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: республика бўйича ўқиш жараёнига жалб этилмай қолган 85,3 фоиз носоғлом болани қисқа фурсатда , яъни у 7 ёшга тўлгунга қадар соғлигини тўла тиклаб бўладими? Амалиётчи олимларнинг фикрларига асосланадиган бўлсак, ҳа! Аммо бунинг учун ота - оналардан, тарбиячи ва шифокорлардан бу масалага жиддий эътибор бериш талаб этилади.Шифокорлар тиббий кўрикдан носоғлом деб топилган болаларни касаллик турларига бўлиб, соғломлаштириш тадбирларининг қатъий режасини тузишлари ва бу асосда аниқ амалий ишга киришишлари зарур.Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, санитария маданияти ва тиббий фаолликни ошириш, болаларни мактабга тайёрлаш, уларнинг ўз вақтида тўғри овқатланишини ташкил этиш ҳамда жисмоний ва гигиеник жиҳатдан тарбиялашга ҳар бир ота-она етарлича аҳамият берса, ўйлаймизки ҳар қандай масала ҳам ўзининг ижобий ечимини топади.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» нинг
махсус мухбири

КИМ НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК ?

ШИФОКОР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг кўрсатмаларига асосан С.Раҳимов туманидаги 33-оилавий поликлиникада олти ёшли болаларни соғломлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилди. Поликлиникамизнинг болалар бўлими врач ва ҳамширалари Тошкент шаҳар болалар диагностик маркази билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» шиори остида махсус дастурга мувофиқ равишда болалар касаллигини аниқлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишга киришишди.

Болаларни тиббий назоратдан ўтказишда юқори малакали хирург, окулист, ортопед, невропотолог, эндокринолог, лор, психоневролог, логопед, стоматолог, педиатр мутахассислар қатнашиб, олти ёшли болаларнинг мактабга олинишига монеъ бўладиган сабабларни ўрганди. Болалар аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш учун махсус шифокорларга, Семашко шифохонасига юборилди. Сколиоз, плоскостопия билан оғриган болаларга ортопедик оёқ кийимлар олиш учун бепул йўлланма берилди.

Олти ёшли болалар тиббий кўригининг янги босқичи сифатида 1998 йил 28 октябрдан бошлаб яна махсус назорат ўтказилмоқда. Тиббий кўрикдан уюшган (боғчалардаги)ва уюшмаган (хонадонлардаги) бўлишидан қатъий назар барча олти ёшли болалар ўтказилади.

Бизнинг фикримизча, болаларнинг беморлиги аниқлангач, боғчада болалар педиатри тезлик билан олти ёшлиларни ўз назоратига олиши зарур. У тор мутахассисликдаги шифокорларни боғчага жалб этиб, болаларга зарур муолажа қилиши керак. Хонадонларда эса маҳалла педиатри, қишлоқ врачлик пункти ва туман марказий шифохонаси шифокорлари уйдаги болаларни назоратга олиб, уларни қайта-қайта тиббий кўрикдан ўтказиб туришлари шарт. Фарзандларимизнинг нақадар соғлом, бардам ва бақувват бўлиб ўсиши барчамизга – ота-оналар, боғча-мактаб тарбиячилари, шифокорларга боғлиқ. Шундай экан келинг, азизлар қўлни қўлга бериб ҳамкорликда иш олиб борайлик. Болаларимиз соғ-лиғида юз бераётган кичкина салбий ўзгаришларни ўз вақтида пайқаб, биргаликда унинг олдини олайлик.

Гулнор КОМИЛОВА,
С. Раҳимов туманидаги
33- оилавий
поликлиника бош
шифокор муовини,
педиатр

ОТА-ОНА ВА ДЕФЕКТОЛОГ

кўзи ожиз болалар парвариши хусусида

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандини жисмонан соғлом, ақлий жиҳатдан етук, аҳлоқан пок, маданий камол топган ва ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллайдиган комил инсон бўлиб етишини орзу қилади.

Чунончи, бола туғилганидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими оиладаги соғлом турмуш тарзи, маҳалла-кўй, атроф-муҳитдаги шарт-шароитлар, оилавий ҳаёт мактаби орқали бола жамиятда ўз ўрни, борлигини англайди ва таълим-тарбия олади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини келажаги бахту саодати, соғлиги учун қайғуриши ва тинмай курашиши керак.

Насл-насабимизнинг тозалиги оиладаги соғлом турмуш тарзининг қандай кечишига боғлиқдир. Лекин ҳар хил сабабларга кўра баъзан оилада ногирон, ёки туғилганидан сўнг турли хил касалликлар (кизамиқ, шамоллаш, сурункали, ирсий касалликлар, экологиянинг бузилиши ва бошқа сабабларга кўра) кўзи ожиз, эшитиш қобилияти бузилган, ақлий ривожланишида қолоқлик, таянч ҳаракат аъзолари ёки нутқида нуқсонлари бўлган болалар ҳаётда кўп учрайди. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш, бола тарбиясига жиддий эътибор бериш, ногиронликни илк ёшидан бошлаб чуқур ўрганиб, дарҳол тегишли мутахассисларга мурожаат қилиш ота-оналарнинг муҳим вазифасидир. Ҳар бир ота-она ва оила аъзолари давлат ва жамият олдида бола тарбияси учун масъул эканлигини ҳис этишлари керак.

Ногиронликнинг тури кўп. Шулардан бири кўзи ожизликдир. Кўзи ожизликнинг келиб чиқиши ва даражаси ҳар хил бўлиб, жойлардаги иқлим, шароитларига ҳам боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатадики, айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро вилоятларида кўз касалликлари бошқа вилоятларга нисбатан 1,2 фоиз кўпроқ учрайди. Бунинг сабаби: экологияни бузилиши, ирсий, генетик касалликлар, яқин қариндошларнинг турмуш қуриши, қизамиқ, шамоллаш, сурункали ва бошқа касалликлар асорати кўз ва бошқа касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Кўпчилик болаларда кўз касалликларидан катаракт, глаукома, миопия, микрофтал учраб туради.

Бундай нуқсонларни олдини олиш, даволаш, профилактика, реабилитация ва таълим-тарбия ишини комплекс равишда олиб бориш дастлаб оилада бошланади. Бундай болалар ҳамиша офтолмолог назоратида бўлиб, муолажа олиши, ота-оналар эса офтолмолог, тифлопедагог мутахассисларнинг маслаҳати асосида бола тарбиясига жиддий эътибор беришлари талаб этилади.

Оилада кўзи ожиз боланинг тарбияси ва унинг ижтимоий ҳаётга мослашишига оид кўмаклашуви машқларини илк ёшдан бошлаб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Улар билан қуйидагича машқларни ота-оналар ва ҳар бир оила аъзолари бажаришлари мумкин:

-дастлаб болани товушларни қаердан келишини аниқлаш, қўлини чўзишга, бошини товуш келаётган томонга қаратишга ўргатиш;

-товушлар ёрдамида атроф-муҳит оралиғини фарқлаш;

-қўл сезгиларини ривожлантиришни ўргатиш учун, буюмларни (предметларни) пайпаслаб топиш, шаклларини (юмшоқ, қаттиқ, узун, қисқа, паст, баланд, иссиқ, совуқ)ҳис этиш, тасаввур қилишга ўргатиш;

-болани мустақил равишда орқасидан қорнига айланиб олишга ва эмаклаш ҳамда мустақил туришга ўргатиб бориш;

-теварак атрофдаги муҳитда эркин юриш, чопиш, сакраш ва нарсаларни узоқ масофага отишга ўргатиш;

-ҳар хил ўйинчоқлар, қўғирчоқлар мисолида гавда қисмларини топишга, нарсани олмоқ учун қўлини чўзишга ва ўз-ўзини хизмат қилиш одобига кўниктириш;

-болани жисмоний чиниқтириш, меҳнат қилишга йўналтириш, эстетик дидини шакллантириш.

Бола билан олиб борилган турли хил ҳаракатли ўйинлар, ишлар уни жисмоний аъзоларини ривожлантиради, нуқсонини енгиллаштиради, фикрлаш қобилияти, таффакур ва нутқий мулоқотларини ривожлантириб боради. Кўзи ожиз бола икки ёшдан бошлаб нарсаларни билишга қизиқиши жуда тез ривожланади. Кўзи ожиз болалар соғ болаларга нисбатан 5-6 ёшида предметларни фарқлашни ўрганади. Айниқса, кўзи ожиз болаларни рельефли расмлар билан таништириш орқали сезиларли ижобий натижаларга эришиш мумкин. Болаларга савод ўргатиш, мактабга тайёрлаш учун оилада Брайль асбоби, махсус мослама, техник воситалар билан таништириб, уларни номлашни машқ қилдириш тавсия этилади. Заиф кўрувчи болалар эса сезги орқали ташқи муҳитни идрок этади. Болага ўз вақтида ойнак тақиши,уни ёрдамчи воситалар билан таъминлаш ва тиббий-педагогик коррекция-реабилитация ишини узвий боғлаб олиб бориш яхши натижа беради.

Оилада кун тартибига киритилган турли машғулотларнинг кетма-кетлиги, боланинг очиқ ҳавода юриши, сайр қилиши, ўз вақтида овқатланиши, гигиеник қоидаларга, уйқу ва бошқаларга қатъий риоя қилиши боланинг жисмоний ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кўзи ожиз болаларда бўшлиқда мўлжал олиш, гавдани тўғри тутиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, умумий ҳаракатларнинг чегараланганлиги натижасида келиб чиққан онгсиз стереотип ҳаракатларнинг олдини олиш,кўриш камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялашда ўзига хос эътиборни талаб этади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ота-оналарнинг асосий вазифаларидан бири кўзи ожиз болада сақланиб қолган барча имкониятларни ривожлантириш, тар-биялаш ва жамиятга мослаштиришга интилишдир. Оилада тўғри ташкил қилинган тарбия жараёни ногирон болаларда маънавий ва ахлоқий хислатларини, уларнинг ижобий тушунчаларини, дунёқарашларини шакллантиради, меҳнат ва ҳаётга бўлган қизиқишларининг ортишига сабаб бўлади.

Рихсинисо
ШОМАҲМУДОВА,
РТМ дефектология
бўлими бошлиғи

ПСИХОЛОГ

Боланинг жисмоний етуклигини алоҳида мавзу ўрнида кўриб, унинг руҳий тайёргарлигига тўхталсак. Ҳаммамизга кундек равшанки, эски тузум даврида хеч қандай амалиётчи боланинг мактабга руҳий тайёргарлиги билан умуман қизиқиб кўрмаган. Ва ана шу лоқайдлик, таъбир жоиз бўлса болани узоқ йиллар тангиб яшашига, жамоадан узоқлашиши, натижада тушкунликка тушишига сабаб бўлган. Рухан тушкун қайфият унинг кейинги тақдирида қандайин салбий из қолдирганлиги ҳақида гапириш эса ортикча.

Бир-иккита шеър ёдлаши болани мактабга тайёрлигини англатмайди. Бунинг учун у мактабга аввало рухан тайёр бўлмоғи, бир мухит ўзгаргач ундан иккинчисига тезда киришиб кетмоғи лозим. Буни таъминлаш асосан ота-оналар зиммасидадир. Боғчада эса болажонларга кичик ёшидан жамоа-жамоа бўлиб турли ўйинлар ташкил этишларига кўмаклашиш, уларда ўзаро елкадошлик, ўзаро муносабат кўникмалари хосил қилиб бориш катта аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак.

Ота-она боласининг хар томонлама етук бўлиб ўсишига асосий масъул экан, олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш жараёни уларни янада фаол бўлишларини талаб этади. Ота-оналар боласининг дунёқарашини кенгайтириш фикрлаш ва нутқини ўстиришда бир қанча фойдали усуллардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, болаларга рангларни фарклаш ўргатилгач, маълум бир нарса ёки жонзотни айнан кўчириб расм чизишни тавсия қилиши мумкин. Астасекинлик билан у шаклларни қоғозда айнан чиза олиш кўникмасини хосил қилади. Кейинги босқичда болага ўз тасаввурига суянган холда расм чизиш топширилади. Шунда болада мустақил фикр юритиш, маълум бир содда мантиқ асосида ўз тасаввурини қоғозда акс эттириш имконияти кучаяди. Натижада боланинг ҳам дунёқараши кенгаяди, ҳам табиатга, инсонларга нисбатан муносабати шаклланиб, хаётга қизикиши ортади.

Ёки оилада болага бу борада рўзғор сарф-харажатлари , махсулотни тежаш қанчалик фойдали эканлиги борасидаги дастлабки тушунчалар берилади. Умуман шундай қилиниши керакки, бола хақиқий шаркона одобни, урф-одатларимизни, қадриятларимизни ўз оиласида ўзлаштириб мактабга кадам қўйсин. Агарда ота-она боласини ана шу усулларда тарбиялай олмаса, уни боғча ёхуд мактаблар ҳузуридаги мактабга тайёрлаш курсларига бериши керак.

Шубхасиз, йилдан-йилга олти ёшлиларни биринчи синфга кабул килиш микдорини кўпайтириб бориш, хар томонлама мақсадга мувофиқдир. Олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш хар йили 3-5 фоиздан кўпайтириб борилса, халкнинг онгига хам етук болаларни тарбиялаш, уларни мактабга тайёрлаш ғоялари, методикалари етиб бориши осонлашади, ижтимоий онг шаклланиб боради.

Балки бу юз фоиз амалга ошмас. Лекин шунга яқинлашиш, яъни асосан олти ёшли болаларни биринчи синфга қабул қилиш ғояси илғор ижтимоий сиёсат эканлигини баъзи бир хорижий давлатлар ўз тажрибасида исбот этди.

Лекин хозирча олти ёшли болаларнинг мактабга қабул бўлмай колган кисми хаммамизни ташвишга солмоғи лозим. Уларнинг жуда кўпчилигида хар хил жисмоний ва руҳий камчиликлар, ривожланишида сустлик кўзга ташланади. Бу болаларни соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Чунки, улар келгуси йил ўқувчи бўлишади. Соғломлаштириш ишлари қанчалик кўламли ва қанчалик кўп сарф-харажатлар талаб этмасин уни ягона дастур асосида, давлат, жамоатчилик ва ота-оналар ёрдамида бажариш керак. Хозирги кунда мактабга тайёрлашнинг ягона дастурини тузиш ишлари бораяпти. Якин келажакда бу дастур хаётга тадбиқ этилади.

Олти ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, уларни соғломлаштириш тадбир ва дастурларини тузиш, унинг омма диккатига хавола этилиши ўйлайманки, жуда катта ахамиятга эга, бу эса давлатнинг таълим ва тиббиёт сохаларини ислох қилишда тутган халқчил сиёсатининг ёрқин мисоли бўлади.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика истеъдод
Маркази директори,
профессор

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 479- болалар боғчаси намунали тарбия масканларидандир. Мазкур кичкинтойлар гулшанида дилбандларга ҳунар ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият берилаётир. Жажжи қизалоқлар кашта тикишни ўрганмоқдалар. Мураббия Маҳбуба Шеринбоева нуридийдаларга кашта тикиш ва игнани ушлаш усулларини ўргатаётир.

Суратда: М. Шеринбоева машғулотда болаларга кашта тикишнинг ўзига хос сирларини кўрсатмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ОИЛА — ТАРБИЯ ИБТИДОСИ

Болангиз мактабга олинмай қолди. Хўш, сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

Ахир ҳар бир фуқаро илм олишга ҳақлику. Тўғри, аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Янги қабул қилинган қонунда болаларни 6 ёшдан мактабга олиш ҳақида тўхталган. Шу сабаб республикамизда 6 ёшдаги болаларнинг онгини, руҳий холатини текшириш зарурати туғилади. Бунинг учун ҳар бир туманда «Ташхис марказ»лари иш бошлади. Уларда дефектолог, психолог ва педагоглар боланинг кўрикдан ўтказиб боришади. Кўрикдан ўтган болалар мактабга қабул қилинади. Хўш, «Ташхис маркази»да педагогик жиҳатидан бола онги қандай текширилади? Нималарга эътибор бериш керак? Мактабга олинмай қолган болани 10 ой муддатда тайёрлаб бўладими? Бу каби саволларга А. Авлоний номидаги Республика ХТХМОМИ институти бошланғич таълим кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент Мирҳабиб Ғуломов жавоб бердилар.

— Мирҳабиб ака, аввало педагог сифатида «Ташхис марказ»ларининг фаолиятини қандай баҳолайсиз? 6 ёшли болаларнинг мактабга танлаб олиш ўринлими?

— Бу саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман. Агар фарзандингиз 6 ёшдан мактабга тайёр бўлса, 1 йил бекор ўтган умрига ачинмайсизми? Ахир, бола айнан шу ёшларда ҳар бир нарсани тезда илғаб олади-ку?!

— Мактабга олинаётган боланинг «Ташхис маркази»даги педагог олимлар қайси жиҳатига эътибор беришади? Олинмай қолган боланинг мактабга тайёрлашда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?

— Аввало, болани хотираси кўрикдан ўтказилади. Олинмай қолган болани эса оилада ота-онаси тарбиялаши керак. Эртак айтиб берсин, санашни ўргатсин... Бу боланинг тили чиқиши билан бошланса яхши натижа беради. Боғчада эса, мутахассислар тайёрлаб боришади. Аммо то мактабгача боланинг онгини ўстиришда оила ва боғча узвий алоқада бўлмоғи лозим.

— Бола онгида юз бераётган ўзгаришлар қандай аниқланади?

—«Ташхис марказ»лари ходимлари ўз вазифаларига боғлиқ синов усуллари билан аниқлашади. Шу маънода педагоглар ҳам.

— Мактабга бола тайёр эмас. Яна 10 ойдан сўнг у барибир мактабга қабул қилинади. Хўш, шу муддатда унинг онги ўсиши учун қандай дастур асосида иш амалга оширилади?

— Педагогик жиҳатдан болани шу давр орасида мактабга тайёрлаш мумкин. Бунинг учун юқорида айтганимиздек оила ва боғчада болага ранг турларидан тортиб, санашгача ўргатиб бориш лозим. Агар бола соғлом бўлса, демак, тезда ўзлаштириб олади. Бунинг учун дефектолог ва психологларнинг кўрсатмалари зарур бўлади.

Биз шу ерда суҳбатимизни тугатмоқчи эдик. Бироқ вилоятлардан келган бошланғич таълим муаллимларини бу хусусдаги фикрларини четлаб ўтолмадик.

Қ. Айтбоев Қорақолпоғистон: Бизнинг мактабда бу йил 4 нафар ўқувчи 6 ёшдан мактабга қабул қилинди. Улар ҳозир 7 ёшли болалар билан бир хилда ўзлаштираяптилар. Фақат «Ташхис мар-каз»ларининг ишини жонлаштириш учун ҳар бир мактабда уларнинг филиали очилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хоразмлик М. Оллашукурова, наманганлик З. Тошпўлатовалар ҳам шу каби фикрларни билдиришди. Аммо бу борада сизда бирор фикр туғилган бўлса, бу мавзу ҳали тугаганича йўқ. Бемалол газетамизга мурожаат этинг.

Х. АБДУРАҲМОН

ФИКР, ТАНҚИД,ТАКЛИФ

Биз олти ёшлиларни мактабга қабул қилиш жараёнига кўп тўхталдик. Бу иш жойларда қандай амалга оширилган эди? Бугун мактабга олинмай қолган болалар билан қай тарзда иш олиб борилмоқда?Ташхис марказларининг муаммолари нималардан иборат? Келинг, яхшиси бу ҳақда мутахассислар фикри билан яқиндан танишайлик.

Гулнора Турсунова, Чирчиқ шаҳри халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис маркази раҳбари, дефектолог:

— Бизда бу жараён намунали даражада ўтди, деб ўйлайман. 1-синф талабига жавоб бермайдиган болаларга махсус боғча ва ёрдамчи мактабларга ўқиш ва даволаниш учун йўлланма берилди. Шаҳримизда нутқида нуқсони бўлган болалар учун 2 та махсус боғча, 12 та логопед пункти иш олиб боряпти.

Шунингдек, мактабга олинмаган ва боғчага ҳам бормайдиган болалар учун уларнинг яшаш жойларига яқин бўлган мактабларнинг ҳар бирида Якшанба мактаблари ташкил этилди. Бугунги кунда болалар мазкур мактабларга қатнаб таълим олишяпти.

Гулистон Қўйлибоева, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис маркази раҳбари, педагог:

—Туманимиздаги экологик вазиятнинг мураккаблиги сабабли мактабга олинмай қолган болаларнинг аксарияти гемоглобин ва вирусли гепатит билан оғриган болалардир. Психолог ҳар бир мактабда бўлгани ҳолда логопедлар етишмайди.

Абдулла Йўлдошев, Шўрчи тумани халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис маркази раҳбари, психолог;

—Ўқишга лаёқати бўлмаган болалар мутахассислар назоратида ўқитиляпти. Улар 1-чорак сўнгида назоратдан ўтишди. Туманимизда тажрибали логопед ва дефектологлар етишмайди. Улар фақатгина шаҳар марказида бор, холос. Маҳаллий ҳокимиятнинг молия бўлимлари психолог штатларини бермаяпти.

Зиёда Норматова, Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис маркази раҳбари, педагог-психолог:

— Назаримда ота-оналарга Ташхис марказлари ҳақида кенгроқ ташвиқот ишлари олиб борилиши керак. Шаҳримизда бу йилги 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш жараёнидан шу нарса маълум бўлдики, кўплаб болаларимиз анемия - камқонлик, бўқоқ касалликлари билан оғриган. Ота-оналаримиз касалликни тузатиш ва уларнинг асоратини йўқотиш билан шуғулланмас эканлар, фарзандларимиз жисмонан ва руҳан мажруҳ бўлиб қолиши мумкин.

Мамлакатимизнинг малакали психолог кадрларга бўлган эҳтиёжини қай тарзда қондириш мумкин?

Саломат Қодирова, республика Истеъдод марказининг етакчи мутахассиси:

—Менимча, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети мактабгача таълим факулҳтетида ўқийдиган П босқич талабалари билан психологик тест ўтказиб, шу йўналишга мойиллиги бўлган талабалардан психологлар тайёрлаш керак.

Г.Турсунова:

— Ушбу университетда психология факулҳтети очилса...

А.Йўлдошев:

— Вилоят марказларидаги университетларда психология факулҳтетлари ташкил этиш керак!

Биз юқоридаги фикрларни жамлаб, улардан хулоса ясамоқчи, кимларнидир айблаб, кимларгадир ақл бермоқчи эмасмиз. Фақат жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлардан ўз ҳудудларидаги Ташхис марказларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларга тегишли мутахассислар учун иш штатлари ажратишда ёрдамлашишларини хоҳлаймиз. Қолаверса, мутасаддилар ҳам малакали психологлар тайёрлаш масаласини жиддий ўйлаб кўришларига вақт аллақачон етиб келди.

Норали ОЧИЛОВ

Faxr

ВАТАН ШУҲРАТИНИ ЁЯЁТГАНЛАР

Ватан шону шуҳратини дунёга ёймоқ савобли иш. Аммо бу иш ҳар кимни ҳам қўлидан келавермайди. Сабаби: бунинг учун ё тиришиб кучли ўқимоқ ва шу асосда илму фанда янгилик қилмоқ ёхуд тинимсиз машқлар ёрдамида спортнинг муайян тури билан муттасил шуғулланиб, ўзига хос ютуқларга эришмоқ, дунёни лол қолдира олмоқ лозимдир.

4-6 декабрь кунлари Венгриянинг Мисколк шаҳрида каратэ бўйича 7-дунё кубоги бўлиб ўтди. 9-16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги ушбу жаҳон кубогида дунёнинг 45 давлатидан 4000 дан зиёд ёш каратэчилар иштирок этишди. Унда мамлакатимиздан борган 15 нафар каратэчи ўсмирлар энг юқори натижаларга эришиб дунёни яна бир карра лол қолдиришди. Юртдошларимиз КУМИТЭ баҳсларида биринчи ўринни эгаллаб олтин медалга сазовор бўлишди. Унда 13 ёшли Шерзод Ибрагимов ва 16 ёшли Умид Мададқуловлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, кумитэ баҳсларида Дамир Гумиров, Отабек Қосимовлар ҳам яхши иштирок этишиб, бронза медалига лойиқ топилди. Жамоа катада Шерзод Ибрагимов, Отабек Қосимов, Илҳом Каримовлар дунё мусобақасида 1-ўринни эгаллаб олтин медал соҳиби бўлишди.

Саидлазиз Бурхонов, Отабек Қосимовлар шахсий натижаларига кўра кумуш медалини олишга муваффақ бўлишди. Фазлиддин Сапиев, Умид Низомов ва Аъзам Абдумавлоновлар каратэ бўйича 7-дунё кубогининг энг яхши бешлик каратэчиларининг тўртинчи ўрнига муносиб топилдилар.

Истеъдодли ёш каратэчилардан Иззат Мирбобоев, Жасур Абдуғаниев, Фаррух Абдумавлонов ва Нодир Хўжаевлар энг кучли ўнликнинг 5-ўрнидан жой олишди.

Умуман, ўзбекистонлик ёш каратэчилар дунё мусобақасидан энг кўп – 5 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медали билан қайтишди.

Спортда ҳар қандай муваффақияту ғалабалар ҳам ўз-ўзидан келавермаслиги аниқ. Ватандошларимизнинг Венгрияда бўлиб ўтган 7-дунё каратэ кубогида 4000 дан зиёд каратэчилардан устун келишига уларнинг катта мураббийларидан Хўжамқул Хўжақулов ва Ўзбекистон Каратэ федерациясининг Президенти, 6-ДАН қорабелбоғ соҳиби Нурхон Нафасовларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди.

Ўзбекистон байроғини чет элларда кўкларга кўтарган, Ватан шонини дунёга яна бир карра баралла ёйган ёш каратэчиларимизни эришган зафарлари билан қутлаб, уларнинг келажакдаги фаолиятларига фақат омадлар ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Норали АСЛОН ўғли

Bilasizmi?

ЎН СОНИЯ ЕТАРЛИ

Архимеднинг: «Менга таянч нуқтасини беринг ва мен Ерни жойидан қўзғатаман», дегани ҳаммамизга маълум. Бу машҳур иборани кейинги пайтда мактаб ўқув қуроллари ичида янгилик ҳисобланган Францияда ишлаб чиқарилган ички ҳаво билан тўлдирилувчи географик глобусга тааллуқли дейиш мумкин.

Чунки у бир неча марта пуфлангач, думалоқ ҳолга келади. Ернинг думалоқлигини, айланишини ва уни тўнтариш мумкинлигини исботлаш учун ўн секунд етарли, холос.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Muhiddin QORIYOQUBOV tavalludining 100 yilligiga



Суратда: **(чапдан ўнгга) Ўзбекистон халқ артистлари Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахоним (1926 йил)**

ОРЗУЛАРИ ҚЎШИҚЛАРДА ТАРАЛДИ

Ўқ илдизи қадимларга қараб бўй чўзган ўзбек мусиқий санъати, ижрочилик мактаби, театру маданияти асримиз бошларига келгач, янгича шакл ва мазмун шеваларида, шунингдек, жадидчилик ҳаракати асноларида ҳам ривожлана бошлади.

Янги замон йўсинидаги бурилиш ва янгиланиш майдонига буюк маърифатпарвар, жадидчи ижокорлардан Мунаввар Қори, Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Хуршид, Бадрий, Ғози Юнус, Асадулла Хожа, Миртулла Шермуҳаммад, Шораҳим Шоумар, Қодирий, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур каби маданият намоёндалари пой қадамлар ташлаб кириб келдилар. Бундайлар қаторида кейинчалик «биринчи қизил пролетар қуйчиси» деб тамғаланган Муҳиддин-Қориёқубов ҳам бор эди.

У машҳур хофизу созандалар, янгилик жарчилари бўлмиш Мадумар, Назирхон, Тўйчи, Ҳамроқул, Шораҳим, Шобарот, Шожалил, Ҳожи Абдулазиз кабилар ижодий-ижрочилик мактабидан баҳра олди, халқ хонандалик сарчашмасидан баҳраманд бўлди. 1916 йилда Муҳиддин Қориёқубов ҳам Қўқонда «духовой оркестр» ташкил этди, унга иқтидорли ижрочи-созандаларни тўплади, ўзи ҳам ана ўша юқорида зикр этилган каби «арш (марш)»ларни ижро этди. Буларнинг ватанпарварлик руҳи, ҳурриятга, миллий озодликка даъват этишдаги аҳамияти катта эди. Ёш санъаткорларнинг 1916 йилдаги халқ қўзғолонида қатнашиши ҳам бежиз эмас эди, у мустамлакачилик сиёсати, чоризм зулмига қарши кўтарилган оломонга қўшилиб, ана ўша Авлоний, Ҳамза, Хуршид шеърларига битилган «арш» ларни баралла ижро этиб борди:

Қўзғол, Турон! Қўзғол, Турон!
Келди сенга ҳам замон.
Зулм аҳлини айла вайрон,
Тур уйқудан, тур бу он..

Ҳа, бу ана ўша кейинчалик Муҳиддин Қориёқубов «Яша, Турон» дея 1918-19 йилдан бошлаб куйлаган машҳур қўшиқнинг индаллоси эди. Афсуслар бўлсинки, кейинчалик ушбу қўшиқ «қизил империявий» мафкура боис «Яша шўро»га айлантирилиб, Ҳамза матни ҳам ўзгартирилиб, сохталаштириб юборилди. Ҳали-ҳали ёдимда, 60-70 йиллардаги ижодкорлар йиғинларида, ҳатто ёзувчилар, театр арбоблари уюшмаларининг кенгайтирилган анжуманларида ушбу қўшиқ «Яша шўро» эмас, дастлабки чоғлардан «Яша Турон» деб, ижро этиб келинган дея, катта залда Ҳамзанинг асли матнини биринчи бор ҳақиқий матнида ўқиб берганимиз ва Муҳиддин Қориёқубов ижросидаги қўшиқни грампластинкадаги ижрода намойиш этганимизда (патефонда) ҳамма ҳайратда қолган эди ва ўша «Яша Турон»-даги мана бу асл матн сўзларини эшитиб ўта ажабланган эди:

Яша, Турон, Яша, Турон!
Сан эзилганларга ёр.
Барча ўлка ишчисига.
Сан – суянчиғ, сан-мадор...

Ҳа, Муҳиддин Қориёқубов ўша паллаларда фақат «қизил пролетариат»ни мадх этувчи «Ҳой ишчилар!» сингари қўшиқларни куйламади, асрий мусиқий-ижрочилик маданиятимиз намуналарини, мумтоз қўшиқлару ажойиб халқ ашулалари ижро этиб, эл ичида кенг таранним этди, бу борадаги маънавий қадриятларимизнинг оташин тарғиботчиси сифатида қизғин фаолият кўрсатди. Унинг ижро мундарижасидан — «Ушшоқ», «Фиғон», «Кўчабоғи», «Эшвой», «Қуралай кўз», «Йўл бўлсин» каби ашулалар жой эгаллаган эди — булар юқорида тилга олинган буюк қўшиқбардор устозлар мактабидан ноёб намуналар эди. Айниқса, 20-йилларга келганда у бунингдек ашулалар ижросининг намоёндаси, хониш маданиятининг йирик сиймосига айланди ва унга ўша пайтлардаёқ «Туркистон халқ ҳофизи» фахрий унвонининг берилиши ҳам тасодифий эмасди. (1923 йил).

Ўзбек миллий эстрадасининг шаклланиш ва равнақ топиши ҳақида сўз борганда ҳам, биз эндиликда истиқлолий ошкоралик боис, тарихий ҳақиқатни ўз ўрнига қўйиб қўйишимиз керак, зеро, ана ўша тарихни сохталаштиришга ружу қўйиб келган «қизил империя мафкураси бу борада ҳам сохталикларга йўл қўйиб, «ўзбек эстрадаси» 50-йиллар охирида, 60-йиллар бошида майдонга келиб, шакланди деб, келинган даъволар мутлоқ ўринсиз ва адолатсиздир. Аслини олганда эса ўзбек миллий эстрада ижрочилиги ана ўша 19-20- йиллардан чумак уриб, Қориёқубов, Юсуф-қизиқ, Ҳожи Сиддиқ, Миршоҳид Мироқилов, Тамарахоним, Хожи Умар, Берта Хоним, Али-Ардобус, Елена хоним (Юпатова) кабилар унга кўприк ташлаб берганлар. Ўша вақтларда Қориёқубов, Тамарахонимлар ижрочилик санъатининг янгича йўналишу шеваларида ижро этган. «Ғайра-ғайра», «Илила ёрим», «Билакузук», «Олмача анор», «Сув бўйида» каби қўшиқ, дуэт, куплет, лапар, айтишувлар тингловчилар қалбига ҳузур бағишларди. Шўх-шаънлиги, ижро маҳоратининг ўткирлиги, нафосати билан санъат мухлисларини завқини келтирарди, олқишларга сазовор бўларди.

Муҳиддин Қориёқубовнинг театр саҳнасига кириб келиши ҳам ўзига хос бир тарихга эга; 1918 йилда у Қўқонда бундан бир неча йил аввал пъеса ёзиб, ҳаваскорлар театр тўдаси ташкил этган Ҳ.Ҳ.Ниёзий билан танишди. Ҳамза назарида Муҳиддин худди Миршоҳид Мироқилов каби санъатни янги шакл-шамойилларда ривожлантириш ва ташвиқ этиш йўсинида ўзига сафдош ижодкорни театру ва ижрочилик маданиятининг ташвиқот қилувчи толмас намоёндаси гавдаланди. Қўқондаги театр труппасида Муҳиддин-Қори «Фарғона фожеаси», «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол-олон», каби драматик ва мусиқий спектакларда актёр сифатида етакчи ролларни ўйнади, томошабинлар меҳрини қозонди.

Биз ўша давр афиша, матбуотда ёритилган мақолаларни, фото-суратларни кўздан кечирар эканмиз, Берлинда нашр этилган 1925 йилдаги «Фосише цейтунг» газетасидаги мана бундай самимий сатрларга ҳам нигоҳимиз тушади: «Ўзбек хонандаси М. Қориёқубовнинг ижроси айниқса катта таассурот қолдирди. Бу санъаткорнинг Европа шаҳарларига ташриф буюришдан кўзлаган мақсади ўз халқининг касб санъатига қизиқиш уйғотишдир... У Париждан Берлинга келиб маҳаллий аҳоли олдида ўз қўшиқларини ижро этди, уни ниҳоятда қизғин ва ҳаяжонли кутиб олдилар».

1926 йилда М.Қориёқубов ўзбек этнографик мусиқа ансамблининг ташкил этди. Бу ансамбль ўзбек мусиқали театрни шакллантиришда қулай шароитлар яратиб муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак эди. 1928 йилда ушбу этнографик ансамбль ва республикадаги бошқа ижодий кучлар замирида, М.Қориёқубов ҳамда бир неча ташаббускор ташкилотчи санъаткорлар жонбозлиги туфайли ўзбек давлат мусиқали театри юзага келди. 1930 йилда 1-театр олимпиадасида, 1937 йилда эса Москвада ўтказилган биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасида муваффақиятли иштирок этди. М.Қориёқубов ижросидаги Хисрав роли ва бошқа кўпгина ижролар юксак баҳоланди. Матбуотда мақолалар ёритилишига сабаб бўлди. М.Қориёқубов Москвада В.Мейерхольд студиясида кейинчалик марказий театр билим юртларида касбий маҳоратини оширди. 1936 йилда ўзбек давлат филармонияси ташкилотчиси сифатида дастлабки директор бўлиб ҳам фаолият кўрсатди. Улкан санъаткорнинг номи ўзбек миллий опера театри юзага келиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Навоий номидаги опера театри саҳнасида ҳам у бир қатор сиймолар яратди. Устоз санъаткорнинг ҳонадони эса бир неча йиллар давомида шогирдлар учун ижодий лаборатория вазифасини ўтаб келяпти.

100 йиллик таваллуд тўйи тантаналари арафасида пойтахт кўчаларидан бири, Тошкент давлат консерваториясининг энг аълочи талабалари учун таъсис этилган фахрий республика стипендияси унинг номи билан аталади.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ, театршунос олим

Xullas...

ФОЙДАЛИ СПЕКТАКЛЬ

Бошқирдистон давлат автомобиль назорати ходимлари Рус Академик драма театри артистларига мурожаат қилишди. «Шундай спектакль қўйингки, бизнинг ишимиз акс этсин!»

Бошқирдистон халқ артисти Игорь Капатов йўл ҳаракати қоидалари акс этган мусиқали ўйин кашф қилди; каттаю-кичикка мос, тантанавор.

Гапнинг қисқаси, бир соат мобайнида қўйилган саҳна асари томошабинларга ҳар жиҳатдан манзур тушди. Йўловчилар катта йўлда ўзларини қандай тутишлари ҳақида билиб олишди.

Кутилмаган яъни одатдан ташқари қўйилган спектакл бутун республика театрларининг репертуаридан жой олди. Ҳар қалай ғоя чакки эмасда..

МЎМИЁЛАНГАН ҚЎЛ

Бу қўлни кўриб, ёқангизни ушлайсиз: чинакам қўлдан фарқи йўқ, аммо мўмиёланган. Қайси даврга мансублиги ҳам аниқ...

Миср мамлакатида якка ҳокимликка даъвогар бўлган Фиръавннинг хотини — қиролича Нубиянинг камтарин, саховатли аъзоси. Бева-бечораларга ошнон, кийим-кечак берганлиги учун чопиб ташланган шўрлик қўл ҳамон ўз «хислати»ни намойиш қилмоқда. Яъни у Флоридада ўтказилган «ким ошди» савдосида ўз «эга»сига сотилиб, бу маблағ болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилади.

ИЗЕО ҚЎЛИДА ЯНА НЕССИ

Кунлардан бир куни ўспирин Никколо Арнольди Изео кўлида чўмилар эди. Ғира-ширада у қандайдир улкан ҳайвонни кўриб қолди. Аввалига тюленга ўхшатди, лекин бўйи узунроқ. Ҳайвон сувга дам шўнғир, дам ҳавзага қалқиб сузиб чиқарди. Никколо уни қувиб етиб олди ва думидан ушлади. Сув ҳайвони эса жон талвасасида ўзини у ёқ-бу ёққа отди. Шунда йигитча унинг ён бошида бир неча ялтироқ тангачаларни кўрди.

Маълум бўлишича, кино ижодкорлари «уни» суратга туширишаётган экан. Бу жонивор аллақачон йўқ бўлиб кетган тур – денгиз судралиб юрувчиси нессининг роботдан ясалган нусхаси бўлиб чиқди.

Янги муҳитда яъни съёмка вақтида ўзини тутишни билмаган робот «несси» ҳақида Италия газетаси «Стампа» хабар беради.

ana shunaqa gaplar...

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

Sport

Асримизнинг энг сўнгги йирик спорт мусобақаларидан бири — навбатдаги Осиё ўйинлари анъанавий бошланса-да, ҳар ғалгидан қизғин кечмоқда. Ушбу нуфузли беллашувларда жаҳоннинг 43 та мамлакатидан вакиллар иштирок этмоқда. Осиё ўйинларида иккинчи бор қатнашаётган ҳамюртларимизнинг умумий таркиби 187 нафар бўлиб, деярли барча спорт турлари бўйича беллашаяптилар.

ДЗЮДО

Мусобақаларда терма жамоамиз спортнинг айнан шу тури бўйича дастлабки медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз Андрей Штурбабенга (73 кг вазнда) бронза медалининг топширилиши бу ерда Ўзбекистон байроғининг кўтарилишига сабаб бўлди.

СУЗИШ

Ҳамюртларимиз 1000 метрлик масофага тўрт кишилик байдаркада сузиш бўйича (Р.Исаев, В.Казанцев, А.Шилин, К.Яшин) олтин, икки кишилик байдаркада (А.Ряхов, Ш.Герарт) кумуш ва бир кишилик байдаркада (А.Шилин) бронза медалини қўлга киритди.

ФУТБОЛ

Терма жамоамиз яшил майдонлар узра бир мунча илгарироқ бошланган спортнинг бу тури бўйича кетма-кет муваффақият қозонишмоқда. Навбатдаги турда ҳамюртларимиз Ҳиндистон терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди.

БОКС

Спортнинг бошқа турларига нисбатан бокс бўйича беллашувлар мамлакатимиз вакиллари учун анчагина омадли кечмоқда. Наримон Отаев, Темур Туляков, Темур Сулаймонов, Муҳаммадқодир Абдуллаевлар ўз вазнлари бўйича мусобақаларнинг кейинги босқичига чиқиб олишди.

maydonchasi

«O'ZBEKISTON» KROSSVORDI



Eniga:

7. Hunarmandchilikning qadimiy turlaridan biri.
8. Markaziy Osiyo mintaqasining tarixiy nomi.
10. Qo'mondon, boshliq.
11. Porloq kelajak, baxtli taqdir.
12. O'zbek xalqi tarkibiga kirgan qabila.
13. XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asrning birinch choragida yashagan o'zbek shoiri, tarixchisi va tarjimoni.
15. Ingichka uzun bargli daraxt yoki buta.
16. Surxondaryo viloyatidagi tuman.
20. O'zbekistondan chiqqan buyuk muhaddis.
21. XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asrning boshlarida yashagan o'zbek shoiri.
25. O'n ikki burjning biri.
26. Insonning bilish, fikr yuritish qobiliyati.
27. Ma'muriy birlik.
32. Toshkent shahrining qadimiy nomi.
33. Ajdodlardan avlodlarga qolgan ilmiy, adabiy, madaniy boylik.
34. Viloyat.
35. Qo'qonda shakllangan minglar sulolasining birinchi xoni.
36. Kushonlar davriga oid me'moriy yodgorliklar topilgan O'zbekiston janubidagi tepalik.

Bo'yiga:

1. Surxondaryoning o'ng irmog'i
2. O'zbek xalqi tarkibiga kirgan qabila.
3. Ma'lum tartibdagi ketma-ketlik.
4. Bahor taomi.
5. Viloyat markazi.
6. Farg'ona vodiysidagi neft-gaz koni.
9. Xabar, xabarlar.
14. Dukkakli o'simlik.
17. Ayollar bosh kiyimi.
18. Baland tekislik.
19. Xotin-qizlar taqinchog'i.
22. Toshkent viloyatidagi shahar.
23. Qashqadaryo viloyatidagi tarixiy obida.
24. O'g'il bolalar ismi.
28. Miloddan avvalgi VI asrda eronlik bosqinchilarga qarshi kurashgan massagetlar malikasi.
29. Mardlik, botirlik, dovyuraklik.
30. Milliy cholg'u asbobi.
31. Samarqand viloyatidagi tuman.

Faxriddin SAMARIDDINOV tuzgan.

Ko'ngil bitiklari

Келмоғи керак эди...

(Кечинма)

Ҳаётда нимадан қўрқсам, ўша нарса рўёбга чиқиши керак эди, чиқди.

Ҳаммаси шундай якун топмоғи керак эди, топди.

Кўнгиллар ҳам ғамга тўлмоғи керак эди, тўлди.

Армонли йиллар ҳисоби – пешонадаги ариқчалар сони кўпаймоғи керак эди, кўпайди.

Кўнгил кўзгуси – бошдаги сочлар оқармоғи керак эди, оқарди.

Бу кўзлар ғамгин қўшиқни куйламоғи керак эди, куйлади.

Умр бўйи кутганим – У келмоғи керак эди, келмади...

КУРСИ

(Насрий шеър)

У ўз ишига моҳир эди, биларди чуқур. Ҳар масала юзасидан ҳукмдор эди унда мустақил фикр. Қалби тоза, яхшиликка йўғрилган. Ўзига эмас, гўё бошқалар учун туғилган. Ожизларни ҳимоя қиларди мардона. Мажнунтоллик унинг табиатига эди бегона. Шундай бўлса-да, ёқмас эди раҳбарига. Ахир, тўғри гапириб, ким ҳам ёқибди туққанига?

Хўжайин қариб, ишдан кетди. Вақт келиб боши ёстиққа ҳам етди. Ҳолидан олгани хабар борди бир неча бор, илгаригидек бўлиб беғараз. Чунки у душманларига ҳам қилмасди араз. Воажаб, шунда ҳақиқий ўзлигин қилди намоён ва деди: «Сен кўп нарсада ҳақ эдинг бегумон, тушунмоқни хоҳламадим. Нетай, бунга йўл қўймасди лавозим, мустабид замон. Кечиролсанг кечир, шудир сўнгги тилагим».

Инсонга хос туйғудир афсусланиш ҳам. Бундай ҳолга тушмайсиз курсини қучоқламасангиз маҳкам.

ТИРГАК

(Қатра)

Йўл бўйидаги икки туп шафтоли бу йил ҳам жуда кўп мева қилди. Кундан-кун каттараётган мевалар юкини кўтаролмай, биринчи шафтоли синиб ҳам кетди. Иккинчи шафтолининг тиргаги борлиги учун синмади, ғарқ пишди. Ўтганкетган одамлар тановул қилишиб, ёзнинг тансиқ мевасидан лаззат олишарди.

Ширин меваларингдан кўпчилик баҳра олишлиги учун ёнингда тиргак бўлиши керак экан.

Қосимжон СОЛИЕВ, Бешариқ туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.